

## БОҚИЙ ФИКРЛАР

Халқлар маданият ва маънавият борасида бир-бирларини қанчалик яхши тушунса, иқтисодий алоқалар ҳам шунчалик тез ривож топади.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН  
RESPUBLIKASI

Kuch - bilim va tafakkurda



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT \* XALQ ZIYOLILARI GAZETASI \* معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 9-iyun, chorshanba № 45 (8278) ISSN 2010-6416


## ЭКОЛОГИК ТАҚВИМНИНГ МУҲИМ САНАСИ



Дунё ҳамжамияти олдида турган глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш ва уларни ҳал қилиш йўлларини излаб топиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Шу боис республикамизда табиат ва атроф-муҳитни асраш, табиий ресурсларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, биохилма-хилликни сақлаш ва муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинади.

БМТ 5 июни Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида нишонлашга қарор қилган эди. Бу кун экологик тақвимнинг муҳим кунларидан бири ҳисобланади. Мана, бир неча йиллардан бери ушбу санани дунё экологлари, жумладан, ўзбекистонликлар ҳам катта тадбир сифатида нишонлайди.

(Давоми 2-бетда.)



## ДИҚҚАТ, ОБУНА!

“Ma'rifat” газетасига 2010 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда.

Азиз муштарийлар!

“Ma'rifat” саҳифалари орқали таълим-тарбия соҳасида амалга ошириляётган ислохотлар натижалари, тизимда олиб бориляётган кенг кўламли янгиланишлар, ўқитувчилар фаолиятини, бевосита таълим-тарбия самарадорлигини янада оширишга йўналтириш мақсадиди ишлаб чиқилаётган янги меъёрий-ҳуқуқий, методик ҳужжатлар билан тезкор равишда хабардор бўлишни истасангиз, ушбу нашрга жорий йилнинг 2-ярми учун обуна бўлинг.

Обунани “Матбуот тарқатувчи” ҳамда “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик компанияларининг жойлардаги бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

**Ma'rifat**

Нашр кўрсаткичи:

якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 150.

## КИТОБЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

ҚАРАҚАЛПАҚ  
ФОЛЬКЛОРИ



Жорий йилнинг 3-4 июнь кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Китобат санъати” анъанавий халқаро кўрик-танловида МДХ мамлакатларидан бир юз олти мишга яқин китоб, альбом, маърифий-бадиий адабиёт намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИ

ПРИРОДА УЗБЕКИСТАНА • THE NATURE OF UZBEKISTAN



КАШКАДАРҲ • КАШКАДАРҲЯ • DASHKADARVO

ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА

ИЗЧИЛ ПЕДАГОГИК  
ҲАРАКАТ — ЗАРУРИЯТ

Бўхд ўқитувчининг мустақил мапака ошириш тизимини такомиллаштириш омиллари ҳусусида

3-бет

ФАРЗАНДИНГИЗГА  
ДУСТ БЎЛИНГ!

8-бет

УЛЬТРАТОВУШЛИ  
ТЕКШИРИШ

сапоматлик учун зарарлими?

12-бет

ҚАДРДОН  
МАКТАБ СОҒИНЧИ

14-бет

## КИТОБЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида матбаа соҳасини жадал ривожлантириш, замон талаби даражасида жиҳозланган корхоналарни ишга тушириш, бу йўналишдаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш, хорижий сармояларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Матбаа корхоналари, нашриёт-матбаа ижодий уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларнинг касб малакаси ва маҳоратини янада оширишга оид кенг қўламли ишлар бунинг ёрқин далилидир.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида, матбаа корхоналаримиз ўз маҳсулотлари билан халқаро китоб ярмаркалари, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Москвада ўтган «Китобат санъати» анъанавий халқаро кўрик-танловида юртимизнинг етакчи нашриётларида чоп этилган китоблар, суратли альбомларнинг совринли ўринларга сазовор бўлгани бунинг тасдиғидир. Ноширлик соҳасидаги ушбу йирик анжуманга тақдим этилган китобларни таҳлил этиш ва баҳо-

лашда уларнинг мавзуси, замонавий дизайни, бешатилиши, қоғоз ва бошқа матбаа кўрсаткичларининг сифати, давр талабига ҳамоҳанглиги каби тамойилларга асосий мезон сифатида ёндашилди.

Танловда «Маънавият» нашриётида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган «Қорақалпоқ фольклори» альбом-китоби «Ҳамдўстлик» номинациясида биринчи ўринга лойиқ топилди. Айти пайтда мазкур нашриётда чоп этилган «Ўзбекистон табиати» китоб-альбоми, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг «Жониворлар харитаси. Ўқувчилар учун», «Менинг энг биринчи энциклопедиям», «Болалар боғчаси учун севимли эртаклар» китоблар туркуми, «Санъат» журнали нашриётининг «Ўзбек тасвирий санъати антологияси» китоб-альбоми турли номинациялар бўйича учинчи ўринга лойиқ топилди.

«Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан тайёрланган «Бобурнома. Миниатюралар» китоб-альбоми кўрик-танловда рағбатлантирувчи соврин билан тақдирланди.

(ЎЗА)

Мақтаб ўқувчиларининг ёзги таътилида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг чекка ҳудудларидан уч минг нафар ўғил-қизни пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларидаги оромгоҳларда бепул дам олдириш кўзда тутилган. 8 июнь кунини пойтахтимиздаги Мар-

## 2010-yil — Barkamol avlod yili

Ўзбекистон касаб уюшмалари федерацияси кенгашидан олинган маълумотларга кўра, бу йил 812та болалар оромгоҳида 245 минг нафардан зиёд ўғил-қизни соғломлаштириш кўзда тутилган. Ёзги

юқори савияда йўлга қўйишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда болалар шоир ва ёзувчилари, санъат, маданият ва спорт усталари иштирокида турли маърифий анжуманлар, жонли мулоқотлар,

## ЁЗГИ ДАМ ОЛИШ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

казий темирйўл вокзалида уларнинг бир гуруҳи тантанали кутиб олинди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда болаларнинг ёзги таътил даврини мазмунли ташкил этиш, уларни соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

дам олиш оромгоҳларини мавсумга шайлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур жиҳозлар, техник ускуналар, озиқ-овқат, дори-дармон воситалари билан таъминлаш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият-тарғибот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ёзги оромгоҳлардаги маърифий-тарбиявий ишларни

давра суҳбатлари ўтказилади. Айти пайтда спорт мусобақалари, спартакиадалар, ижодий фестивал ва кўрик-танловлар болаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариши, саломатлигини мустаҳкамлаши баробарида ёзги таътилнинг янада мароқли ўтишига хизмат қилади.

Оролбўйи болаларининг дастлабки 220 нафари пойтахтимиз яқинидаги «Гулбахор» оромгоҳида дам олади.

Назokat УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## ЭКОЛОГИК ТАҚДИМНИНГ МУҲИМ САНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шаҳримизнинг сўлим гўшаларидан бири Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбир Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда бир неча халқаро ташкилот ҳамкорлигида амалга оширилди. Бу ерда атроф-муҳитни асраб-авайлашга ундовчи ташкилотларнинг мамлакатимизда олиб бораётган самарали ишларидан лавҳаларни акс эттирган кўргазма йиғилганларнинг диққат марказида бўлди.

Ёшлар қалбида атроф-муҳитни асраб-авайлаш ва она табиатга муҳаббат туйғуларини камол топтириш мақсадида «Сайёрамиз — ягона ҳаёт маскани» шиори остида ўтказилган тадбирда халқаро ва мамлакатимизда фаолият юритаётган ташкилотлар аъзолари, талабалар, мактаб ва боғча ёшидаги болажонлар иштирок этди.



Интеллектуал ва интерфаол шаклдаги муסיқавий танловлар ва уларнинг голибларини тақдирлаш маросими экология мавзусига бағишланган фильмлар тақдироти ҳамда эстрада юлдузларининг байрамона чиқишлари иштирокчиларга ўзгача кайфият бағишлади.

Шоҳрух УБАЙДУЛЛАЕВ  
Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

### ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Қашқадарё ўлкашунослиги, халқ оғзаки ижоди ва миллий анъаналар асосида ташкил этилган тадбир доирасида «Китоб марафони — 2010» — китобхонлик бўйича ўтказилган танлов ва олимпиадалар голиблари ҳамда фаол китобхонларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Марафон олдидан, ҳар бир вилоят АРМга ҳомийлар томонидан 553 номдаги китоб ва дарсликлар, жумладан, илмий ва бадий адабиётлар, маънавий-маърифий йўналишдаги кўргазмали куроллар ҳамда плакатлар ҳадя этилди.

Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимизда китобхонликни ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу гапнинг исботини «Мақтаб—кутубхона—оила—жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирининг якуний натижаларидан билиб олиш мумкин.

— Вилоят АРМлари жами 250 минг 282та бадий адабиёт ва 22 минг 103та дарслик билан бойитилди, — дейди республика илмий педагогика кутубхонаси илмий-методик бўлими мудир Р.Ратнер. — АРМ олдида турган навбатдаги вазифа электрон кутубхо-

## АРМлар БОЙИДИ

Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги 4, 28-мактабларда «Мақтаб—кутубхона—оила—жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирининг якуний республика босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят АРМ ва мактаб кутубхоналари моддий базасининг йиллик сарҳисоби, ҳомий ташкилотлар ва мактаб кутубхоналари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан тажриба алмашиш ва келажак учун режаларни белгилаб олиш сингари қатор масалалар кўриб чиқилди. Қолаверса, мазкур йиғилиш барча вилоятлардан ташриф буюрган АРМ раҳбарлари учун ўқувчиларни етарли ахборот базаси билан таъминлаш, китобхонликни кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилайётган ишларни муҳокама қилиш имконини яратди.

Якуний босқичнинг айнан Қашқадарёда ўтказилишига сабаб, вилоят халқ таълими бошқармаси доимий равишда китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар билан яқин ҳамкор бўлиб келмоқда. Бундан ташқари, вилоят мактаблари китоблар билан таъминланганлик даражаси нуқтаи назаридан яхши натижаларни қўлга киритган.

налар фаолиятини такомиллаштириш, аҳолида улардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

### ҲАР ОЙДА ЯНГИ АСАР

Ўқувчиларни китоб ўқишга жалб этиш, китобхонлик маданиятини шакллантириш, оммавий китобхонликни йўлга қўйиш битта тадбир билан ҳал

этиладиган масала эмас. Вилоят АРМ ҳамда мактаб кутубхоналари тажрибаларини ўрганиш, уларни такомиллаштириш, инновацион усулларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

— Мақтаб ўқувчиларини жаҳон адабиётининг дурдоналари билан таништириш, шу аснода уларда дунё мамлакатлари, халқларнинг ўзига ҳос

Висола ҚАРШИБОВЕВА

Педагог учун тажриба алмашиш, малака ошириш доимий эҳтиёж ҳисобланади. Зотан, ўқитувчининг ўзи дарс берадиган фан бўйича энг сўнгги янгиликлар қатори кундалик ижтимоий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб бориши машғулотларининг самарадорлигини таъминлайди. Бунда мутахассиснинг интернет тармоғидан фойдалана олиш малакасига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, замонавий ўқитувчининг мустақил тарзда узлуксиз малакасини ошириб бориши, кундалик дарсга тайёрланиш машғулоти қаторида туриши лозим.

Бугунги кун мактаб таълими муаммоларидан бири илғор педагогик тажрибалар ва янги инновацион технологияларни аниқлаш, уларнинг дидактик имкониятларини синая кўрган ҳолда мактаб амалиётига кенг жорий этишдан иборатдир.

Бу мактаб таълим жараёнини янги технологиялар асосида ташкил этиш, педагогик инновацияларини излаш, уларни қўллаш натижасида таълим самарадорлигини оширишга эришадиган мактабларнинг тажрибасида ҳам яққол кўрилади.

Илғор педагогик технологиялар тизимини яратиш ва ундан самарали фойдаланишнинг асосий омиллари қуйидагилардан иборат:

Мактаб жамоасида ижодий муҳит яратиш орқали педагог ходимлар орасида ташаббускорлик ва янгиликка бўлган қизиқишни ошириш энг муҳим омилдир. Бунда ўқитувчиларнинг изланувчанлик фаолиятларини рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизмини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга.

Шу маънода мактаблардаги методик кенгаш ва методбирлашмалар ижодий муҳитни таъминловчи асосий ва бирламчи тузилмадир. Зотан, бу билан ҳар бир педагогнинг изланишларини аниқ баҳолаш имкониятига эга бўламиз. Шу боис, ишни ушбу тузилмалар фаолиятини такомиллаштиришдан бошлаш талаб этилади.

Табиий савол туғилади: мактабда таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг илмий-методик асоси ҳисобланган узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун қандай вазифаларни бажариш керак? Илғор педагогик тажрибалар, ахборот-коммуникацион ва янги инновацион технологияларни амалиётга жорий қилишда айниқса узлуксиз методик хизмат кўрсатишнинг бош бўғини ҳисобланган мактаб педагогик (методик) кенгаш ва методбирлашмалари фаолиятини тўғри ташкил этиш қўл келади. Бу борада Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган методик хизматни такомиллаштириш ва уни ташкил этиш ҳақидаги янги таҳрирдаги Низом талабларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш муҳим. Унга кўра, мактаблардаги методбирлашмалар ишини илмий асосда ташкил этиш, уларни бошқаришга ижодкор, изланувчан, юсак касбий билимга эга, тажрибали инноватор педагогларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Мактабда анъанавий усулда амал қилиб келинадиган методик хизмат тузилмасига кирувчи педагогик кенгаш, методик кенгаш ва методбирлашмалар иш фаолиятлари таълим мазмуни модернизация қилинадиган бир даврга мос ҳолда ўз натижасини бермаяпти. Назаримизда, мазкур кенгашлар таркибида алоҳида энг фаол ўқитувчиларни жам-

лаган янги инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этувчи гуруҳ "Илғор тажриба мактаби", "Ёш мутахассис мактаби" ва Вариатив бирлашмалар (Мақсадли кўникмаларини такомиллаштирувчи бирлашма, Назорат баҳолаш таҳлилларини мувофиқлаштирувчи гуруҳ, Фанлараро боғланишни такомиллаштирувчи гуруҳ, Илмий-методик кўникмаларни такомиллаштирувчи гуруҳ) каби янги жамоатчилик бирлашмалари ишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади (1-расм).

Мактабдаги таълим-тарбия жараёнини самарали амалга оширишда алоҳида олинган ҳар бир жамоа

илғор тажриба мактабига эга бўлган ўқитувчиларидан иборат тренерлар кенгаши тузиш ва унинг вазифаларини белгилаб олиш зарур бўлади.

Кенгаш иши мактабда муайян фаннинг ўқитилиш аҳволи, берилган таълимнинг сифати, самарадорлигини аниқлаш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш, камчиликларни бартараф этишнинг илмий педагогик жиҳатларини ўрганади. Шу асосларга таянган ҳолда педагогик чора-тадбирлар режасини тузиш, туман фан уюшмалари билан келишган ҳолда ўқувчилар билим, кўникма ва малакасининг ДТСга

Fikr, mulohaza, taklif

ма аъзолари билан биргаликда аниқ вазифаларни ишлаб чиқади. Ушбу жараёнда мунтазам тарзда фан ўқитувчилари янги чоп этилган методик қўлланмалар, илмий-методик тавсиялар, илмий адабиётлар, таълим соҳасидаги муаммоларни ёритувчи газета ва журналлардаги материаллар, бошқа турдаги методик янгиликлар билан таништириб боради. Интернет ҳамда модем тизимлари орқали туман методика кабинети, вилоят малака ошириш институтлари, Республика таълим маркази ва хорижий давлатлардан олинган илғор педагогик тажрибаларни, муайян ўқув фани бўйича замонавий методларни ўрганиб, маҳаллий шароитга мослаштирган ҳолда методбирлашма аъзолари ўртасида доимий муҳокама этиш ва уларни амалиётга жорий этиш вазифаларини қамраб олади.

Бинобарин, методбирлашмалар таркибидаги ижодий гуруҳлар ўз навбатида жамоанинг ўзига хос «Ғоявий маркази» ҳисобланиб, илғор таълим технологиясини жорий этиш, янги методларни қўллаш борасида изланиш олиб бориб, ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг ДТСга мослик даражасини аниқлаш бўйича мактаб махсус комиссияси ҳузуридаги мониторинг гуруҳи томонидан ўтказиладиган назорат ишлари материалларини ўрганиб, чуқур таҳлил этади ва аниқ вазифаларни муҳокамага қўювчи дастлабки кичик тузилмадир.


Методбирлашмаларда мактабдаги педагогик муаммоларнинг маълум йўналишини ҳал этиш соҳасида, чунончи, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, илғор педагогик технологияни таълим жараёнига татбиқ этиш масалалари бўйича доимий иш олиб борувчи семинар машғулотларини ташкил этишга ҳам аҳамият қаратиш фойдадан холи бўлмайди. Бу билан эса методбирлашма муайян фан ўқитувчиларининг ҳар бирида «Ижодий изланиш режаси» (Шахсий узлуксиз малака ошириш режаси) бўлишига эришиши ва унинг бажарилиши ҳақида мунтазам равишда методбирлашма йиғилишлари (зарур бўлганда Педагогика кенгашлари)да ижодий ишлари тақдиротини ўтказиб боришига эришиши талаб этилади. Методбирлашма режасини қатъий бажариш асосида мунтазам амалга ошириладиган методик тадбирлар орқали ўқитувчиларнинг касб маҳорати ва илмий-методик салоҳиятини аниқлашнинг педагогик-психологик мезонлари ҳам белгиланади ва унинг негизида мактаб педагогик кенгашининг «Мактабда иқтидорли ўқитувчини излаш, танлаш ва истеъдодини такомиллаштиришнинг ташхис дастури» ишлаб чиқилади.

Хуллас, методбирлашма фаолиятида Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган «Устоз-шогирд» анъанасига амал қилинган ҳолда, ёш мутахассисларга тажрибали педагогларни бириктириш ўқитувчиларни янгиликка интилиши ва изланиши, мустақил равишда ўз билим ва малакасини ошириб борувчи механизмнинг тизимли ишлашини кафолатлайди.

**Шукур Пўлатов,**  
Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти проректори,  
педагогика фанлари номзоди,  
доцент

# ИЗЧИЛ ПЕДАГОГИК ҲАРАКАТ – ЗАРУРИЯТ

ёхуд ўқитувчининг мустақил малака ошириш тизимини такомиллаштириш омиллари хусусида



1-расм. Мактаб методик хизмати тузилмаси

аъзоси – фан ўқитувчисининг масъулияти муҳим ва асосий аҳамият касб этади. Шу боис, уларнинг иш фаолиятини тўғри ташкил этиш ва назорат қилиш муайян фан методбирлашмаларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Методбирлашмаларда мунтазам методик ёрдамни ташкил этиш тадбирларининг энг муҳимлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Бунда энг аввало, турли фанлар бўйича методбирлашмалар ичида

мослик даражасини аниқлаш учун ўқув дастурининг бўлимларига мувофиқ келадиган назорат материалларини ишлаб чиқади. Ўз ўқув фани бўйича ДТС мазмунини ифода этувчи ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан турли синфларнинг таъминланганлик даражасини аниқлайди ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф киритади, методбирлашма аъзоларининг таълим сифатини яхшилашга оид таклифларини ўрганиб, уларни амалиётга жорий этиш бўйича методбирлаш-

✓ Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонида умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган фан олимпиадасининг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилган ўқувчиларни табриклаш маросими бўлиб ўтди.

Унда ўрта махсус, касб-хунар талими бошқармаси мутасаддилари, ўқитувчи-мураббийлар ва ота-оналар иштирок этди.

— Ўқувчи-ёшларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятини намоён қилишлари, ўзлари танлаган фан ва ихтисосликларни чуқур ўрганишга қизиқишларини ошириш, келажакда касбларни тўғри танлашига кўмаклашиш мақсадида ҳар йили ўтказиладиган ушбу олимпиаданинг бу галги ҳал қилувчи босқичида вилоятимиздан 38 нафар ўқувчи иштирок этди, — дейди олимпиадани ўтказиш вилоят ташкилий кўмитаси аъзоси Х.Насимов. — Шулардан 9 нафари ғолиблар сафидан жой эгаллади. Умумжамоа ҳисобида эса вилоятимиз вакиллари энг юқори шохсупага кўтарилди.

Самарқандликларнинг бу муваффақияти вилоят аҳолиси, ўқитувчи-мураббийлари учун қувончли воқеа бўлди. 44-Менделеев халқаро олимпиадасида СамДУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Дониёр Насриддинов бронза медали соҳиби бўлиб қайтганида уни ҳамма табриклаган эди. Тез кунларда математика фанидан ўтказиладиган халқаро олимпиадада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилувчи СамИСИ қошидаги академик лицей ўқувчилари Умидахон Жўраева, Жаъфар Абдурахимов, Зариф Иброҳимов, Иброҳим Акрамовдан ҳам худди шундай натижалар кутилмоқда.

Ҳаким Жўраев,  
"Ma'rifat" мухбири

✓ Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган умумтаълим фанлари олимпиадасининг республика босқичида Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг уч нафар ўқувчиси муваффақиятли иштирок этди.

Олимпиада ғолибларини улкан ютуқлари билан қутлаш учун ташкил этилган тадбир катта шодиёнага айланиб кетди. Иқтидорли ўғил-қизларнинг ота-оналари ҳам тадбирга ташриф буюришди. Қўлларидан чиройли гулдасталар ушлаган ўқувчиларнинг нигоҳи ғолибларга қаратилган. Барчанинг қалбида қувонч, ҳаяжон.

Лицей директори, педагогика фанлари номзоди Ҳамид Матёкубов ўқувчиларнинг иқтидоридан хурсандлигини изҳор этди. Табиий фанлар йўналиши ўқувчиси Наврўзбек Жабборов биринчи хорижий тиллар йўналиши ўқувчиси Маърифат Йўлдошева иккинчи, ҳамда Ирода Оллаберганова рус тили (Ўзбек мактабларида) фанидан унчинчи ўринни эгаллагани муносабати билан ўтказилган тадбирда олимпиада ғолибларига совғалар ҳадя этилди. Битирувчи ўғил-қизлар яратилган имкониятлар учун миннатдорлик изҳор этишди.

Бир йўла уч нафар ўқувчиси ғолиб бўлган лицей устозларининг қувончига ота-оналар-у ўқувчилар ҳам шерик бўлишди. Ўқув даргоҳининг барча иқтидорли ўқувчилари билимли бўлишнинг фазилатини, ғолибликнинг шараф ва завқини кўриб ва кузатиб «Ғолиблар сафидан ва уларнинг изидан борамиз» шиорини кўтариб чиқишди.

Янги ўқув йилидан янги шиор барча ўқувчига кўтаринки руҳ бағишлаши эътироф этилди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,  
"Ma'rifat" мухбири

✓ Ўзбекистон Миллий университетини муваффақиятли тамомлаётган ёшларни мустақил ҳаётга тантанали равишда кузатиш анъанага айланган. Тадбир дастлаб "География ва геология факультети боғи"да ташкил этилди. "Иқтисодчилар" боғида ташкил этилган тадбирда сўз олган университет ректори Гофуржон Муҳамедов ушбу факультетда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар, ота-оналар ва битирувчиларни самимий қутлади.

— Ўқув даргоҳимизнинг бакалавр босқичини 210 нафар талаба иккита йўналиш бўйича, магистр босқичини 24 талаба учта мутахассислик бўйича тамомламоқда, — дейди факультет деканининг ўқув ишлари бўйича муовини Нурали Маждидов.

"Оқ йўл сизга, битирувчилар" анжуманида мустақил ҳаётга йўлланма олаётган йигит-қизлар келгусида она Ватанга садоқатли бўлишга, касбини ва зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга, умрбод юксак маънавият, маърифат учун курашишга тантанали қасамёд қилишди.

Республика Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, "Ўзбек лизинг-интернейшн" кўшма корхонаси ва яна бир қатор ташкилотлар билан факультет ўртасида битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича шартномалар тузилган.

Мазкур тадбир якунида ҳам ёш кадрларга иш берувчи ташкилотлар билан "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ўтказилди.

"Туркистон-пресс"

✓ Баркамол авлод: алкоғолсиз, тамакисиз ҳаёт!

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда «Камолот» ЁИХ бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ёшлар акцияси мана шу шиор остида ўтказилди.

Дастлаб, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таҳсил олувчи 2000 нафардан ортиқ ёшлар соғлом турмуш тарзининг афзалликларини намоён қилиш мақсадида югуриш марафонида иштирок этди.

— Қизлар орасидаги марафонда маррага биринчи бўлиб етиб келдим, — дейди олимпия захиралари коллежи ўқувчи З.Ортиқова. — Биз таълим олаётган коллежда ёшлар саломатлигига жиддий аҳамият берилади. Қолаверса, ўзим ҳам соғлом ва тўғри ҳаёт кечиришга ҳаракат қиламан.

Акция доирасида Самарқанд давлат университети хийбонида расм-плакатлар кўргазмаси ташкил этилди. Унда 1000 нафардан ортиқ талабанинг соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ижодий ишлари тақдим этилди.

Шу куннинг ўзида жисмоний баркамоллик рамзи бўлган спорт мусобақаларига старт берилди.

Тадбир сўнгида «Мўъжиза» амфитеатрида иштирокчи ва ташкилотчилар учун катта концерт дастури намоён этилди.

Мухбиримиз

✓ Хушxabарнинг қаноти бор, дейишади. Тумандаги 1-мактабнинг битирувчи синф ўқувчиси Азиза Онгарбоевнинг умумтаълим фанлари олимпиадасининг якуний республика босқичида муносиб иштирок этиб, фахрли 2-ўринни қўлга киритгани тўғрисидаги қувончли хабар тез тарқалди. Азиза қозоқ тили ва адабиёти фанидан барча топшириқларни аъло даражада бажариб, иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Энди у муддатидан олдин олий ўқув юрти талабаси.

Азиза Онгарбоева келгусида муаллимлик касбини танлаб, бошланғич синф ўқитувчиси бўлиш орзусида.

— Олимпиада жараёни адолатли ва талаб этилган меъёрлар асосида ўтди, — дейди Азиза. — Танловда иштирок этганларнинг барчаси энг сара, билимли ўқувчилар эди. Улар билан тенглашиш ва ғолиб бўлиш осон бўлмади. Бунга устозларим маслаҳатларига қулоқ тутиб, кечаю кундуз ўқиб изланишларим асос бўлди, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, Юқори Чирчиқ туманида Азиза сингари иқтидорли ўқувчиларни вояга етказиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Туман ХТБ давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими қошида "Энг иқтидорли ўқувчилар уюшмаси" ташкил этилган бўлиб, унда 300 нафар ўқувчи 13та фан йўналишида билим ва хунар сирларини кунт билан эгалламоқда.

Абдузхур ҚОРАБОЕВ,  
журналист

✓ Шу кунларда МТМларда катта гуруҳларни мактабга кузатиш жараёни ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Сергели туманидаги 589-мактабгача таълим муассасасида «Хайр, боғчажон, салом, мактаб!» деб номланган шиор остида ўтди.

Тадбир болажонларнинг жуфтликда миллий рақслар намоёиши ҳамда боғча ҳақида айтган кўшиқлари билан бошланди. Сўнгра МТМ мудираси Муҳаббат Одилова тарбияланувчиларга ўзининг эзгу тилақларини изҳор этди. Болажонларнинг мактабга тайёргарлиги қандай, бу тадбир давомида кузатилди: уларнинг нутқи равон, мусиқий онги шаклланган, жисмоний жиҳатдан соғлом, атроф-муҳит ҳақида тушунчалари бор. Турли саҳна кўринишларини намоён этган кичкинтойлар айнан шу жиҳатлари билан кўзга ташланди.

Анвар ҚОБИЛОВ



✓ Навоий вилоятида ёш ижодкор информатика ўқитувчиларини қўллаб-қувватлаш, илғор иш услубларини оммалаштириш, барча фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга бағишланган "Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича электрон ўқув-методик адабиётлар ва амалий педагогик дастурлар" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Унда ўқитувчилар ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнида қўллаш юзасидан ўз ижодий ишларини тақдим этишди. Танлов натижаларига кўра, Навбаҳор туманидаги 1, Навоий шаҳридаги 11, Зарафшон шаҳридаги 8, Хатирчи туманидаги 22, 81-мактабларнинг иқтидорли ўқувчи ва ўқитувчилари яратган замонавий электрон дастур, қўлланма, компьютер ўқув йўналишлари ҳамда тренажёрлари намунали деб топилди.

Раъно РАБИМОВА

✓ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида «Баркамол авлод — юрт таянчи» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходимлари, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

— Бугунги шиддатли замонда ёшлар ҳуқуқий тарбияга ва ижтимоий ҳимояга зарурат сезади, — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи Илҳом Турғунов. — Тадбирдан кўзланган мақсад ҳам ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига кенг жамоатчилик эътиборни жалб қилишдир.

Конференция доирасида бугунги кунда ички ишлар идоралари ходимларининг ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги фаолияти, уларнинг дунёқарашини ва билими савияси-

ни янада ошириш борасида жамоатчилик ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва жамоат тузилмаларининг ролини ошириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшлар ўртасида амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги фаолияти, ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларнинг Ўзбекистонда ижро этилиши каби долзарб мавзуларда мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Савол-жавоб ва мунозарага бой ўтган конференция сўнгида иштирокчилар ёшлар ҳуқуқий онгини оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни янада самарали ташкил этишга келишиб олдилар.

Хулқар РАЖАБОВА,  
"Ma'rifat" мухбири

Куни кеча Тошкент молия институтинда «Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда фаол инвестицион сиёсат юритишнинг аҳамияти» мавзусида олий ўқув юрталари аро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда талабалар, ёш олим ва тадқиқотчилар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурини изчил амалга ошириш — мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналиши эканлигига бағишланган илмий маърузалари билан иштирок этдилар.

Анжуман аввалида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси хусусида атрофлича фикр юритилди. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузасида мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танлан-

лаштириш масалалари» мавзусидаги маърузалар қизиқиш билан тингланди. Маърузачилар ўз чиқишларида жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири, унинг келиб чиқиш сабаблари, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифалар хусусида гапира туриб, ўз нуқтаи назарларини баён қилишди. Шу боис уларга мавзularи юзасидан кўплаб саволлар берилди. Бу илмий-амалий анжуманнинг мунозарали тус олишига замин яратди. Баҳс-мунозаралар тегишли факультетларда ташкил этилган шўъба йиғилишларида давом этди. Тадбир якунида фаол иштирокчиларни суҳбатга чорладик.



Konferensiya

**Хорижий инвестициялар — иқтисодий юксалиш омили**

— Бугунги глобаллашув шароитида мамлакат иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири миллий иқтисодиётда хорижий инвестициялар улушининг ортиб боришидир, — дейди ТМИ

# ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЛОЙИХАСИ

Унда иқтисодиётимизни юксалтиришга оид кичик тадқиқотлар ҳимоя қилинди

ган стратегияси, қабул қилинган 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида 2009 йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатлари таъминланиб, халқ фаровонлигининг ошишига эришилгани қайд этилгани ва санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа кўрсаткичларда

**Кичик бизнесни сифат жиҳатидан ҳам ривожлантириш зарур**

— Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси — бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келмаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат. Шу маънода «Кичик бизнеснинг меҳнат ресурслари бандлигини ва аҳоли турмуш даражасини оширишдаги роли» мавзусини атрофлича ёритишга ҳаракат қилдим, — дейди Тошкент молия институтини талабаси Эрали Мамарасулов. — Мазкур масаланинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш омилига, янги иш ўринлари ташкил этишнинг асосий йўналишларини тадқиқ этишга ҳаракат қилдим. 2010 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Эндиликда кичик бизнесни нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам ривожлантиришимиз, кичик корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишимиз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор. Бу масалага оид тақлифларимни маърузанинг асосий қисмида бандларга бўлган ҳолда кўрсатиб бердим.

талабаси К.Йўлдошева. — Халқаро амалиётдан маълумки, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида хорижий инвестициялар муҳим ўрин тутди.

Инвестиция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган чоратадбирлар туфайли 2000—2009 йилларда иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди.

Таҳлилларга кўра, республика ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада такомиллаштириш учун банклар, инвестиция фондлари, сугурта ва лизинг компания фаолиятини рағбатлантириш ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш зарур. Тадбиркорларнинг бизнес кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини янада ривожлантириш талаб этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2010 йил учун мўлжалланган давлат инвестиция дастурида ҳам иқтисодиётда чуқур таркибий ислохотларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш лойиҳаларига устуворлик берилган.

Хуллас, миллий иқтисодиёtimизга хорижий инвестицияларнинг кенг жалб этилиши иқтисодий тармоқлар ва корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, янги иш ўринларининг яратилиши ва аҳоли даромадларининг ошишига олиб келади.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, «Ma'rifat» мухбири

Суратларда илмий-амалий анжуман жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗО олган суратлар.



ўсиш кузатилгани ёшлар томонидан фахр билан тилга олинди.

Анжуманнинг ялпи йиғилишида талабалар, ёш олим ва тадқиқотчилар мазкур масалаларга ўз муносабатларини баён қилиб, асосли тақлифларни ўртага ташлашди. «Бюджет — солиқ сиёсатини амалга оширишда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш ва ташкил этиш масалалари», «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ва унинг Ўзбекистонга таъсири», «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон миллий иқтисодиётини барқарорлаштириш асослари», «Банклар ва банк тизимини такомиллаштириш», «Кичик бизнеснинг меҳнат ресурслари бандлигини ва аҳоли турмуш даражасини оширишдаги роли», «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомил-

## ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИ

якуний давлат аттестациясида намоён бўлмоқда

Ўқувчилар билимини чорақда, ярим йилликда ва йил якунида синовдан ўтказиш таълим жараёнидаги самарадорликни белгиловчи муҳим мезонлардан саналади. Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикасининг умумий ўрта таълим муассасаларида 2009-2010 ўқув йилини яқунлаш, ўқувчилар билими, малака ва кўникмаларини босқичли назорат имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи айнан ана шу мақсадга қаратилган. Ҳозир юртимиздаги барча таълим масканларида бу муҳим жараён қизгин ўтмоқда. «Унинг дастлабки натижалари қандай?» деган саволимизга Зомин туман халқ таълими бўлими бош мутахассиси Холмурод Айбуллаев шундай жавоб берди:

Jarayon



— Халқ таълими вазирлигининг буйруғи асосида ўқув машғулотлари 25 майда тугаб, имтиҳонлар бошланди. Барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари битирувчи синф ўқувчиларининг билим, малака ва кўникмаларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш кунлари жадвали асосида ташкил этилмоқда. IV-VIII, X синфларда босқичли назорат имтиҳонлари ҳам 26 майдан 2 июнга қадар ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туманимиздаги мавжуд 75 та мактабнинг деярли барчаси Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида таъмирланганлиги натижасида билим масканларининг ўқув моддий-техник базаси мустаҳкамланди.


Якуний давлат аттестацияси битирувчи синф ўқувчилари ҳаётида ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Шунинг учун имтиҳонлар ўтказилаётган фанларга оид кўргазмаларни қуроллар, техник воситалардан унумли фойдаланишга эътиборни кучайтирдик. Туманимиздаги мавжуд мактабларнинг 61таси физика, 63таси кимё-биология фанлари бўйича ўқув-лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ ва намунали таъминланган. Бундай имконият ўқувчиларнинг имтиҳонда ўқув-амалиёт машғулотларини кўнгилдагидек ўтказишига имконият яратди.

Босқичли назорат синовлари туғайди. Якуний давлат аттестацияси эса давом этмоқда. Ўқувчилар билимини аниқлашнинг ўзига хос холис синови бўлган бу жараённи кўнгилдагидек ўтказиш ҳар бир устоз-мураббийнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўқувчилар билимини холисона баҳолашнинг аҳамияти катта. Ҳар бир битирувчи йигит-қиз ўз билим ва кўникмаларини яна бир бор синовдан ўтказди. Шунинг учун ҳам бу жараённи муваффақиятли ўтказиш келгусида ўқувчилар билими самарадорлигини янада оширишга ҳисса қўшиши аниқ. Мақсадимиз, ҳар бир ўқувчининг билими Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида бўлишини таъминлашдир.

Абдусаттор СОДИҚОВ, «Ma'rifat» мухбири

# "ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ"



Ёзининг жазирама кунларида сўлим хиёбон ва боғлар кишини ўзига тортади. Шу боис аҳоли саломатлигини химоялаш, мамлакатимизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини кенгайтириш, ўсимлик, ҳайвонот оламини асраб-авайлаш мақсадида барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикасида барпо этилаётган «Экоҳаракат боғи»нинг маданий ҳордиқ чиқарадиган масканларга айланаётгани кишини қувонтиради.

Бутунжаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ўтказилган матбуот конференцияси ва байрам тадбири олдида ҳам яна бир гўзал

боғ очилиб, болажонларга тўхфа этилди.

Дарҳақиқат, 38 йилдирки, дунёнинг қатор мамлакатларида Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб турли тадбирлар, «яшил концерт»лар, иншо ва плакатлар кўрик-танловлари, атроф-муҳитни тозалаш акциялари ўтказиб келинмоқда. Бу кунни нишонлаш тўғрисидаги қарор 1972 йил 5 июнь Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг конференциясида қабул қилинган эди. Шу муносабат билан ташкиллаштирилган матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экоҳаракат депутатлари Халқ таълими вазирилик мутасаддилари иштирок этиб, с е ҳ р л и ўлкамиз-

бу бойликни асраб-авайлаш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтишди. Шундан сўнг яна бир янгилик: баркамол авлоднинг экологик тарбиясини кучайтириш мақсадида ташкил топган янги «Булоқча» («Родничок») журналининг нишона сони тақдироти бўлиб ўтди. Бу нашр ёш авлоднинг она-табиатга нисбатан меҳр-муҳаббатини оширишда беминнат хизмат қиладиган манба бўлиши таъкидланди.

«Тонг юлдузи» газетаси таҳририяти томонидан мактаб ўқувчилари ўртасида эълон қилинган «Онажоним — табиат» иншолар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам болажонларга қувонч улашди. Танловга тақдим этилган ишларнинг мазмунини, иштирокчиларнинг ўзлари туғилиб ўсган вилоят, шаҳардаги табиат манзараларига ижодкорона ёндаша олгани, уларнинг саводхонлигига юқори баҳо берилди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан танлаб олинган энг сара иншо муаллифлари — 1-ўрин соҳибаси Жарқўрғон туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Комила Абдуҳолиқова, 2-ўринга лойиқ деб топилган Поп туманидаги 3-мактаб ўқувчиси Гулфира Тошназарова, Учтепа туманидаги 297-мактаб ўқувчиси Қамара Жайлобова, 3-ўрин совриндори Фориш туманидаги 59-мактаб ўқувчиси Шодиябегим Шарофийга ғолиблик дипломи ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Мен «Нурота — Қизилқум» кўриқхонаси жойлашган, табиати ҳам чўл, ҳам сув ҳавзаси, ҳам тоғдан иборат

бўлган гўзал Фориш ҳақида иншо ёзгандим, — дейди Шодиябегим. — Иншо ёзиш жараёнида Хонбанди шаҳарчасининг табиатини ҳам ўргандим. Бунда устозим кўп ёрдам берди.

Иншолар танлови якунлангач, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши ижроия кўмитаси расми ўринбосари С.Сангинов «Экожурналистика» республика миллий кўрик-танлови бошланганини эълон қилиб, унинг мақсади, фестиваль номинациялари, унда иштирок этиш шартлари билан таништирди.

Тадбир давомида болалар бадий жамоаларининг мусиқий чиқишлари ҳам бўлиб ўтди. Концерт дастури якунига етган, «Онажоним — табиат» иншолар танлови ғолиблари ва болалар бадий жамоаси вакиллари учун «Gazamir-Pro» МЧЖ ҳомийлигида экологик тоза ёнилғи билан ишловчи эоавтотасудда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,  
«Ma'rifat» мухбири

Владимир ГРАНКИН  
олган суратлар.



нинг бетакроп табиатига мафтун бўлишнинг ўзи кифоя қилмаслиги,

**«Яхши дам меҳнатга ҳамдам», дея бекорга айтишмайди. Демак, кейинги ўқув йилини янги кучкуват, кўтаринки кайфият, тансиҳатлик билан қарши олмоқ учун нафақат ўқувчилар, азиз мураббийларимиз ҳам вужудларига қулоқ тутиб, саломатликлари билан «ҳисоблашмоқ»лари жоиз. Биз ана шу ўринда уларга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши бош мутахассиси Маҳмуда Мурзаевага мурожаат қилдик.**

ган вилоятининг Косонсой дарёси, Чотқол тоғ тизмалари этагида манзил топган «Косонсой», Шаҳрисабзнинг Оқ-сув дарёси қирғоғига кўрик бериб турган «Мироқи» санаторийларида ҳам юрак-қон томир, асаб касалликлари сингари дардлардан фориғ бўлишингиз, мириқиб ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Бухоро шаҳрининг шарқий чеккаси-

## Kasaba uyushmalarida

шифо масканлари сирасига қиради. Айтиб ўтиш ўринлики, педагог ходимлар ва талабаларнинг сиҳатгоҳларда дам олиб соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун бу йил 17.500та йўлланма ажратилиши режалаштирилган. Ана шу мақсадларда 3 миллиард 208

да ташкил этилган кундузги оромгоҳлардир. Шу тариқа мавсум давомида 245 минг нафар ўғил-қизларимизни соғломлаштириш режалаштирилган. Шунингдек, 2 минг нафар Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган, 3 минг нафар Оролбўйи минтақасида истиқо-

# ҚАЕРДА ДАМ ОЛМОҚ ЧИСИЗ?

— Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг тасарруфида қандай санаторийлар бор ва улар қайси касалликларни даволашга йўналтирилган?

— Республикаимизнинг хушманзара масканлари жуда кўп. Ана шундай табиати гўзал, ўзига хос иқлимга эга гўшаларимизда қатор санаторий, дам олиш масканлари соҳа ходимларини соғломлаштиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида фаолият юритаётган Абу Али ибн Сино номидаги санаторий асаб тизими, юрак-қон томир, таянч-ҳаракат, тери касалликларини даволашга ихтисослаштирилган. Бу ердаги радонли сув ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида аҳамиятга эга. Тошкент шаҳридан 30 километр олинган, Тиён-шон тоғ этакларида, денгиз сатҳидан 570 метр баландликда жойлашган «Ботаника» санаторийси иқлимли ва бальнеологик курортлар сирасига қиради. Иқлим билан бирга табиий даво омиллари: термал хлорид-гидрокарбонат сув ичиш-

га, ванна ва душлар учун, ичакларни чайиш ва меъдани ювиш мақсадида қўлланилади. Шунингдек, хлорид натрийли сувлар юрак-қон томирлари, асаб тизимлари, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилашга хизмат қиладиган ва артериал қон босими кўтарилишининг олдини олишга хизмат қиладиган.

Денгиз сатҳидан 450 метр баландликда, «Зах» каналининг бўйида ошиён қурган «Бўстон» санаторийсининг шифобахш суви ва даволоччи балчиклари юқорида тилга олинган хасталиклар баробарида гинекологик, урологик дардларни бар тараф этишда ҳам муҳим омиллар вазифасини ўтайди. Нафас олиш аъзолари ва асаб тизими касалликлари (функционал) таъсирида қийналаётганлар Жиззахнинг мусаффо ҳаволи «Зомин» ва баргли ўрмонзорлар билан ўралган Тошкентдан 65 километр масофада жойлашган тоғ-иқлимий «Оқтош» санаторийлари томон йўл олганлари мақсадга мувофиқ. Қашқадарё воҳасининг сўлим масканида, денгиз сатҳидан 600 метр баландликда жойлашган «Қашқадарё соҳили», Наман-

даги тарихий «Ситораи Моҳи Хосса» соғломлаштириш маркази ҳам ўзининг иқлими ва сульфат хлорид натрийли маъданли суви билан ажралиб туради. Унда буйрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари касалликлари самарали даволанмоқда. Тошкент шаҳридаги «Турон» юрак-қон томир, асаб тизими, андрологик сингари, «Чинобод» эса овқат ҳазм қилиш аъзолари, қандли диабет каби дардларни даволашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Нафақат республикаимизда, балки кўшни давлатларда ҳам анчагина танилган «Умид гулшани» оилаларга фарзанд қувончини улашиш, эркак ва аёллар бепуштлиги, репродуктив аъзолар инфекцияси, жинсий хасталикларни даволашга йўналтирилган. Шунингдек, Амударё қирғоғи яқинида ўрин олган «Хонқа», табиий омилларга бой Чотқол тоғ адирларига макон тутган «Чортоқ», Олтинсой дарёси водийсида жойлашган «Чимён» санаторийлари ҳам уюшма аъзоларининг дардларига алмаш бўлиб, чарчоқларини яратиб йўлида иш олиб бораётган

миллион сўм, бундан ташқари 6 минг талаба ҳиссасига 840 миллион сўм маблағ сарфланади. Ҳар йили А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти профилакторийсида ходимларимизнинг ҳордиқ чиқаришлари учун 380та йўлланмага 53 миллион сўм маблағ ажратилади.

Ўрни келганда қайд этиб ўтмоқчиманки, республикаимиздаги олий ўқув юртлари қошида ана шундай 12та санаторий-профилакторийлар фаолият юритапти.

— **Жорий йилда ўғил-қизларимизнинг ёзги мавсумни мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун қандай чоратадбирлар белгиланган?**

— Таътил кунларида болаларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига қиради. Ёз мавсумида республикаимизнинг турли хушхаво, сўлим масканларида 812та болалар оромгоҳлари фаолият юритади. Улардан 231таси стационар, 581таси эса мактаб ва лицейлар қоши-

да ташкил этилган кундузги оромгоҳлардир. Шу тариқа мавсум давомида 245 минг нафар ўғил-қизларимизни соғломлаштириш режалаштирилган. Шунингдек, 2 минг нафар Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган, 3 минг нафар Оролбўйи минтақасида истиқо-

мат қилаётган фарзандларимизга бепул йўлланмалар бериш назарда тутилган. Умумий йўлланмаларнинг эллик фоиздан ортиғи кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг болаларига тарқатилишига эътибор қаратилади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тармоқ ходимлари ўғил-қизларининг ёзги дам олиш мавсуми давомида ўлкаимизнинг хушманзара гўшаларида ҳордиқ чиқаришлари масаласига алоҳида аҳамият берилган. Шу маънода 1 миллиард сўм касаба уюшмалари сугурта бюджети ҳисобидан 21 минг нафар боланинг ҳордиқ чиқариши учун ажратилган. Шунингдек, 30 минг нафар ўғил-қизларимизнинг кўнгилдагидек ором олишлари учун 500 миллион сўм ҳомийликлар ва касаба уюшмалари маблағларидан сарфланади. Йўлланмаларнинг 34 фоизи кам таъминланган ва кўп болали оилалар болалари, Меҳрибонлик уйлари-нинг тарбияланувчиларига берилади.

О.ОЧИЛОВА

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar uchun matematika-geometriya fanlariga oid ta'lim mazmunini tevarak-atrofdagi narsa va buyumlar soni, o'lchami, turli geometrik shakllar tashkil etadi. Bola ularni ko'rib, o'z tasavvurini kengaytiradi.

Bolalar bilan olib boriladigan matematika mashg'ulotlarida, asosan, tevarak-atrofdagi narsa yoki buyumlarni sanash, taqqoslash, o'lchamlarini qiyoslash, jihozlarning turgan o'rnini ko'rsatish (pastda, balandda, chapda, o'ngda), ularning geometrik figurasini

qaratib borishlari lozim. Aksariyat tarbiyachilar boladagi amaliy bilimni o'stirib, nazariy jihat — ilmiy atamalarni sharhlab berishda mas'uliyatsizlikka yo'l qo'yadi. Bu hol, albatta, bolaning mantiqiy tafakkurini, fikrlash doirasini passivlashtiradi.

Matematik mashg'ulotlar orqali bolalar narsaning uzunligi, eni, miqdori topishga, ularni taqqoslashga o'rgatiladi. Masalan, tarbiyachi bolalarga 2ta tasmani beradi. Tasmachalar turli xil uzunlikda, lekin eni bir xil. Quyidagi vazifa beriladi: ustma-ust qo'yish usuli bilan qaysi tasma

### Mutaxassis minbari

gan o'rnini aniqlash taklif qilinadi. Keyinchalik bu o'yinchoqlar soni 4taga ko'paytiriladi. O'yinchoqlar oldin boladan unchalik uzoq bo'lmagan masofada joylashtiriladi, asta-sekin bu masofa orttirib boriladi.

Bolalarga quyidagi vazifalarni berish mumkin: xonaning bir joyida turib, uning oldida, o'ng tomonida va chap tomonida qanday o'yinchoqlar borligini aytib berish. So'ng bola chappga

## KICHKINTOY TIL O'RGANMOQCHI

bunda o'yinlarning ahamiyati katta

Til bilgan — el biladi.

Biror mamlakat tilini

*Sinab ko'ring*

o'rganish barobarida uning urf-odat va

an'alariga hurmat ham shakllanib boradi. Olimlar har bir bolaning nutqi dastavval o'z ona tilida shakllanishini u yaqinlari yordamida 2 yoshdan, hattoki 1,5 yoshdan boshlab gapira boshlashini ta'kidlaydi. Bog'chada ona tili bilan bir vaqtda boshqa biron xorijiy til ham o'rgatib borilsa, foydadan xoli bo'lmaydi. Bu turli o'yinlar yordamida amalga oshiriladi. O'yin faoliyatining psixologik mexanizmlari shaxsning o'zini namoyon qilishi, hayotda o'z o'rnini topishi, o'zini-o'zi boshqarish imkoniyatlarini amalga oshirishida namoyon bo'ladi.

Psixologlar o'yinni bolaning ichki ijtimoiy dunyosi va shunga doir buyurtmalarni o'zlashtirish vositasi sifatida ta'riflaydi. Shundan kelib chiqqan holda, o'yin bog'cha yoshidagi bolalarning yetakchi faoliyati bo'lganligi sababli, tilni o'rganayotganda bu ancha qo'l keladi.

Quyidagi o'yin uslublaridan foydalanish farzandlarimizning tilni o'zlashtirishida katta ahamiyat kasb etadi. Farzandlaringiz, ularning do'stlari yoki o'quvchilaringizni bir joyga jamlab, kichik guruhlariga ajrating va nom bering. Bu guruhlariga "Mevajonlar", "Hayvonchalar" yoki "Sabzavotvoylar" kabi qiziqarli nomlar qo'ying. Ular guruh nomiga mos so'zlarni ona tilida aytishadi, siz maxsus ishlab chiqilgan qo'llanmalardan foydalangan holda shu so'zni chet tilida aytasiz. (Bir kunlik darsda yangi so'zlar 10tadan oshmasligi lozim, aks holda bola charchab qoladi va tilni o'rganishga bo'lgan qiziqishi susayishi mumkin.)

Darsni haftada ikki yoki uch marotaba olib borgan ma'qul. Dars davomida faol qatnashgan bolalarni baholab borish boshqalarni ham faolroq bo'lishga undaydi.

Bog'cha yoshidagi bolalarning o'yinchoqlari, odatda, rang-barang va turli hajmda bo'ladi. Bola ularning ona tilida qanday nomlanishini biladi, lekin chet (ingliz) tilida aytay olmaydi. Sifatlarini o'rgatayotganda bolajonlar doira shaklida terilib, o'rtaga ularning o'yinchoqlari yoyib qo'yiladi. Keyin ular biror sho'xroq musiqa sadosi ostida o'yinchoqlar atrofida aylanishadi. Musiqa tugashi bilan har bir bola o'zi qo'lga kiritgan o'yinchoqining nomini aytadi. Siz esa shu so'zni maxsus ishlab chiqilgan qo'llanmalardan foydalanib, ingliz tilida aytasiz va o'yinchoqning sifatini ham ta'riflab o'tasiz. Ana shunda bolalar sifatlarini o'rganish barobarida rang va o'lchamlarni ham bilib oladilar.

## MATEMATIKA MASHG'ULOTLARIDA IDROKNI TARBIYALASH

farqlash, bir necha shakldan boshqacha ko'rinishni yasash kabilar muhim sanaladi. Bundan tashqari, matematik tasavvurni o'stirishda turli xil o'yinlardan foydalanish ham ijobiy samara beradi.

Narsalarni kuzatish, guruhlariga va alohida qismlarga ajratish, guruh a'zolarining ko'payishi va kamayishini sezish, buyumlarni birgalikda yig'ish, tarqatish, aniq bir guruhga ajratish, ularning nomlaridan lug'at tuzish, bolaning dastlabki matematik tasavvurini va idrokini shakllantirishda o'ziga xos rol o'ynaydi.

Guruhlardagi (ikkinchi kichik, o'rta, katta tayyorlov) matematika mashg'ulotlarida har bir bola yoshiga mos dastur asosida son va sanoq, miqdor, geometrik figuralar, fazoviy tasavvur, vaqt haqidagi tasavvur bo'yicha mukammal bilim berib borilsa, tarbiyalanuvchilarda ijodiy qobiliyat ham shunchalik mustahkamlanib boradi. Olib boriladigan barcha mashg'ulotlarda tarbiyachi hamda boshlovchilar o'z nutqlarida matematik tushunchalarni to'g'ri ifodalashga diqqat-e'tibor

uzun, qaysi biri qisqaligini aniqlab olish. Bolalar uzun tasmachani ajratib, barmoqlari bilan uning uzunligini ko'rsatadilar. Savol beriladi: «Tasmachaning eni qancha?» Tarbiyachi barmog'i bilan tasmachaning enini ko'rsatadi va yana savol beradi: «Tasmachaning uzunligi kattami yoki eni?» Tarbiyachi tasmaning uzunligi enidan katta ekanligi to'g'risida tushuncha beradi. Mashg'ulot yakunida bolalar tasmachalarni ustma-ust qo'yib, eni bir xil, lekin uzunligi har xil ekanligi haqidagi tushunchaga ega bo'ladilar. Bundan tashqari, bolalarda geometrik figura va shakllar to'g'risida ham bilimlar berib boriladi. Doira, uchburchak, kvadrat bilan birgalikda to'g'ri to'rtburchak, shar va silindrning o'lchamlari va shaklini bilish uchun ana shunday shakldagi buyum va o'yinchoqlardan foydalaniladi.

Bolalarning tevarak-atrofni bilish, o'rganish qobiliyatlarini rivojlantirishga ham alohida e'tibor beriladi. Bunda ularga, avvalo, qarama-qarshi tomonda, oldinroqda, o'ngda, chapda turgan o'yinchoqlarning joylash-

(o'ngga) aylanadi va yana qaysi o'yinchoqlar uning qay tomonida joylashganligini aytib beradi.

Maktabgacha ta'limga qo'yilgan davlat talablari 6-7 yoshdagi bolalar egallashi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakani, uning so'z boyliklari zaxirasini, nutqiy rivojlanishini, atrof-muhitni bilish darajasini belgilab beradi.

Yuqorida ta'kidladikki, matematika mashg'ulotlarini uzluksiz va muntazam tashkil etish ana shu talablar ijrosida muhim omil bo'la oladi. Bunday mashg'ulotlarni nutq o'stirish, musiqa, jismoniy tarbiya, applikasiya kabi yo'nalishlarda ham olib borish mumkin. Tarbiyachi bola ongini, tafakkurini o'stirishga xizmat qiluvchi o'ziga xos metodika yaratgan bo'lsa, tarbiyalanuvchi ta'limning keyingi bosqichida yuqori o'zlashtirishga erishadi.

**L.ABIDOVA,**  
TShPKQTMOI «Maktabgacha,  
boshlang'ich  
va maxsus ta'lim»  
kafedrasi katta  
o'qituvchisi

**A.MAKSUMOV,**  
TDPU dotsenti,  
D.SALIDJANOVA,  
talaba

## TARBIYALANUVCHILAR NAMOIISH ETIШДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида мурувват уйи тарбияланувчилари томонидан сахналаштирилган "Буратино" театр томошаси намойиш этилди.

Юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари — меҳрибонлик, мурувват, саховат уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётди. Ушбу ислохотларнинг давоми сифатида "Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамғармаси томонидан ҳам кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, унда меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари билан бирга умумтаълим мактабларида ташкил этилган ҳарбий синф ўқувчилари кенг жалб этиляпти. Хусусан, мазкур тадбир ҳам ана шулар сирасидандир.

Томошада иштирокчилар ўз актёрлик маҳоратларини намойиш этиб, иқтидор ва истеъдод соҳиблари эканлигини яна бир бор кўрсатди. Тарбияланувчилар театр томошасидан ташқари, мусиқий чиқишлар ҳам уюштирди. Барча чиқишлар йиғилганлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Болажонлар кўнглига байрамона кайфият улашган тадбир дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Анжуманда фаоллик кўрсатган барча болажонларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,  
"Туркистон-пресс"



Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 13-мактабгача таълим масканида соғлом авлод камолоти йўлида салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Бу ерда кичкинтойлар ўз саломатлигини тиклаш билан бирга малакали мураббийлар ва тарбиячилардан сабоқ олмоқда. Машгулотларни янги педагогик технологиялар асосида ўтказиш, болаларнинг онг, тафаккурини ўстиришда илғор иш тажрибаларини қўллаш ўз самарасини бераётди.

Суратда: мусиқа раҳбари Насиба Содиқова тарбияланувчилар билан машгулот олиб бормоқда.

Шўхрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

# ФАРЗАНДИНГИЗГА ДЎСТ БЎЛИНГ!

Мана, навбатдаги ўқув йили тугаб, ўғил-қизлар ёзи таштилга чиқиди. Бу пайтда соғломлаштириш ором-гоҳларига жалб қилинмаган болалар аксарият ҳолатда ё тушгача ухлашади ёки телевизор томоша қилишади, куннинг иккинчи ярмини эса кўчада ўртоқлари билан ўтказадилар. Баъзи шахарда яшовчи ота-оналар фарзандларини қишлоққа, бувиси-бобосиникига жўнатишга ҳаракат қилади.

Ёзи таштил давомида ўсмирлар анча улғайишади ва ўзгаришади, айрим ота-оналар эса эътиборсизлиги сабаб бундай ҳолатларни сезмай қолишлари мумкин. Болаларнинг феъл-атворида юз берадиган ўзгаришларга катталар томонидан муносиб жавоб ёки хатти-харакатлар кўрсатилмаслиги баъзи пайтларда салбий оқибатларга ҳам олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Агар фарзандингиз таштилда кеч уйғонишни одат қилиб, янги ўқув йили бошланиши билан эрта туришга қийналаса, нима қилиш керак?

Ота-онам бу муаммони қандай ҳал қилганини ахши эслаймаман. Ўқиш бошлангандан икки-уч ҳафта олдин улар мени иш жадвалига мослаштиришга ҳаракат қилишарди. Мен ҳам аста-секин одатдагидан олдинроқ уйғонардим. Бироқ мени шунчаки уйғотишмасди, бунга албатта муҳим сабаб топиларди. Масалан, дўстларимнинг олдида, далаҳовлига бориш, кинога туриш ёки шунчаки телевизор орқали қизиқ мультфильм томоша қилиш. Албатта, бунда ота-онам ҳам ўзларининг эрталабдаки уйғониш жадвалларини ўзгартиришларига тўғри келарди. Бу ота-оналарга хос қаҳрамонликнинг бир кўриниши, десак муболағига йўйманг.

Яқинда дугонам ёзи таштил давомида юзага келиши мумкин бўлган яна бир «муамма» билан курашиш усулини мен билан ўртоқлашди: кизи кўчадан ёмон сўзларни ўрганибди. Нима қилиш керак?

У қизига катталар учун алоҳида, болалар учун алоҳида мўлжалланган сўзлар борлигини тушунтиришга ҳаракат қилибди.

Янги сўзларни тушунтириш ишлари боланинг ёшига тўғри келиши керак. Агар у жуда кичкина бўлса, баъзи сўзлар ёмон бўлгани учун тарбияли болалар уларни гапирмайдилар, дейиш лозим. Агар фарзандингиз ўсмирлик ёшига қадам қўйган бўлса, у юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда

ёки етарли даражада қўлингизга худди қадрдон инсоннинг овозидек иссиқ эшитилаётганими? Менимча, бу каби ўйинларни умрида ақалли бир марта бўйсин ўйнамаган кўз бола топилмас керак. Сизга айтсам, мен ҳам шу ўйинларни ўйнаб катта бўлганман. Бўйим бир қарич бўла туриб, Она, хола ролларини ўйнаганимни эсласам, ўзимдан ўзим хижолат бўламан. Энди билсам, ўшанда онамга, қўшни холаларга ўхшашни ўзим идрок қилмаган ҳолда жуда-жуда хоҳлаган эканман...

### Sizga gapim bor

Бола учун катталарнинг ҳаёти қизиқарли бир олам. Табиийки, қилган хатти-ҳаракатларини улар учун сирли ва номаълумдек туюлади. Шунинг учун бола катталар қилган ишни, гапирган гапларни қайтаришга ҳаракат қилади. Бу сизу бизга таниш ўша тақлид шаклида намоён бўлади.

— Психологияда тақлид алоҳида ўрин эгаллайди. Бола онги, асосан, тақлид қилиш орқали ривожланади. Тақлид ёшга қараб тавсифланади. Масалан, 6 ёшгача бўлган болалар кўр-кўрона тақлид қилади. Улар атроф-муҳитни яхши англамаганиликлари учун катталарнинг ҳар бир ҳаракатини беихтиёр қайтаради. Кичик мактаб ёшидаги болада эса бу ҳолат мукамаллашиб


чекканларида, болалар бунга ўзида синаб кўрмайди дейсизми? — Чекиш, ичиш жараёнларининг гувоҳи бўлган бола албатта, бир марта бўлса ҳам шу ишларни қилиб қўришга ҳаракат қилади. Бу ҳолат деярли ҳамма болаларда кузатилмади, — дейди психолог Нарғиза Ғойибова. — Бунинг олдини олиш учун оталар, аввало, болаларнинг олдида си-

нишини бир воқеа мисолида кўргандим. Тўғриси айтсам, ҳалигача беш яшар боланинг сигарет чекаётгани кўз ўнгимдан кетмайди. Ишончи қийин-а? Эндигина юришни, эглаб гапирганини эўрга ўрганиб олаётган болакай тамакини катталардек «мароқ» билан чекаптию, лекин ҳали бу иш нималигини англаб етмаганди. Онанинг чекишини кўриб, унинг ҳам шу «ҳаракат»ни қайтаргани келган. Бу биргина мисол ҳам болаларда тақлиднинг нақадар кучлигини кўрсатиб турибди.

### «ЭНДИ МЕНИ ТАНГЕМ, ДЕБ ЧАҚИРИНГЛАР!»

Бундан бир неча йил олдин, корейлик ёқимтой ва меҳнатқаш бека барча ўзбек хонадонларини забот этганди. «Сарой хавоҳири» сериалини катталар қатори кичкинтойлар ҳам мириқиб, биронта қисмини ҳам ўтказиб юбормасдан томоша қиларди. Мактабга энди чиққан сингилларини ўша пайтларда фақат ошхонадан топадиган бўлиб қол-

# КИТОБМИ ЁКИ ИНТЕРНЕТ?



Сўнги йилларда китобга бўлган муносабат ўзгарганлиги, китобхонлар сони бирмунча камайганлиги тез-тез таъкилланаётган. Бунинг сабабларидан бири интернетнинг қўнғилиқ турмушимизга кириб келишидир. Тўғри, глобал тармоқнинг китобга нисбатан қўлай томонлари бор — ундан хоҳлаган китобни тезорлик билан топиш мумкин. Лекин китобни интернетда роҳатланиб, кунт билан ўқиб бўлмайди. Қолверса, у (яъни монитор) руҳиятни тез толиқтиради.

Мен бу сўзларим билан компьютердан умуман фойдаланиш керак эмас, дейишдан йироқман. Агар у орқали дўстларга мактуб маданиятини, сўз бойлигини, ҳаёт ғўзаллигидан баҳра олишни ўрганамиз. Ҳар нима бўлганда ҳам маънавият сарчашмаси ҳисобланмиш китобларнинг ҳаётиимиздаги ўрнини бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Инсон ўз имкониятлари, куч-қувватини орзу-ҳаваслар, олдида кўйган мақсадларига етиш шунинг учун, аввало чуқур билимга эга бўлмоғи лозим, бунда бизга билимлар ўчоғи бўлмиш китоблар ёрдам беради.

### Ta'kid

Ёзиш ва фикр алмашиш маънавий озуқа берса, бу, албатта, яхши. Келинг, бўш вақтингизда қўлингизга қизиқарли бир китобни олинг-да, беизми мутулола қилинг. Шунда унинг ўзига хос сўзларини ўзингиз ҳис этасиз. Китобдан биз мўмола

Ирода Жўраева

# ТАҚЛИДНИ ТАҚИҚЛАШ КЕРАКМИ?

боради. Бу ёшдаги бола эндиликда тушуниб, билиб тақлид қила бошлайди, — дейди психолог Дилором Махмудова.

### САБАБНИ КЎЧАДАН КИДИРМАНГ

Кўпчилик гувоҳ бўладиган ҳолат. Эндигина тили чиққан безоргина бола боғчага катнаб бошлагач, турли хил янги сўзлар ёки қилиқларни ўрганиб келади. Бу боғча гуруҳидаги ёши ўзиндан каттароқ болаларга тақлид қилиш натижасида содир бўлади. Ёки уйда ҳам шундай бўлиши мумкин. Қизиқ томони аксарият болалар оила аъзоларининг яхши хислатларидан кўра, ноҳўя ҳаракатларига кўпроқ тақлид қилар экан. Масалан, ишдан чарчаб келган ота хисобот топширилмагани ёки бирор иши битмай қолгани учун асабийлашади. Сижилганидан сигарета чекади-да, анча енгил тортади. Отасининг чеканини кўрган болакай учун чекиш сирли бир жараён бўлиб қўринади. Катталар чекиш инсон умрининг заволи эканлигини била туриб ҳам

сир қилади. Ота-онанинг чекишини кўравергач, болада чеккиш одатий ҳола, деган фикр уйғонади. Ота-онаси чеккан болада бу ҳолатта мойилик 2-3 баробар кучли бўлади.

6. Фарзандларингиз билан шахсий Автомобилингизда кетаётганда, албатта, хавфсизлик камарини тақиб олинг. Ҳатто, орқа ўриндикда ўтирган тақдирингизда ҳам бунини унутманг. Статистик маълумотларга қараганда автомобил ҳалокатларининг аксарияти болалар ўлими билан аяқланмоқда. Фарзандларингизга хавфсизлик камари бизни хавф-хатардан асрашини тушунтириг. Шунда боланинг ҳам шундай йиғишлари ва тартибли бўлишга ўрганиди.

7. Болаларингиз билан соғлом турмуш-тарзи ва унинг фойдали тарқалари ҳақида кўп ўқиб суҳбат қилинг.

8. Ички меҳр ва жонқуралигингизни боланингизга айтишдан ўзингизни чекламанг ва яхши кўришингизни кунига камида ўч марта такрорланг.

Боланинг кўр-кўрона тақлиди аввало билдан бошла-

лашча, бола улғайгани сари тақлидни таҳлил этиб бориш кўникмасига эга бўлиб бориши керак экан. Яъни бола атрофдаги инсонлар ёки воқеа-ҳодисалардан ўзига кераклик билан фойдаланиб бўлган жиҳатларни олиши ҳамда шу орқали ўзида яхши одатларни шакллантириши зарур.

Албатта, бола ҳали ёш бўлса, бунга қардан ўрганиши, дейишингиз табиий. Бундан биринчи навбатда, ота-она ва ўқитувчилар маъсулятини ҳис этган ҳолда, болақонларга тўғри йўлни кўрсатиб боришлари керак. Зеро, тақлид қилиш ёмон одат эмас. Аммо, вақтида англаб етилмаган тақлид кўр-кўрона эргашшидан нарига бормайди. Оқибатда бола ўз «мен-ини тополмай, шахсий фикрига эга бўлолмай қолиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, болаларнинг тақлид борасидаги биринчи «нишон» биз эканмиз, дегак уларга ўрناк бўлиш даражасига етайлик.

Соҳиба МУЛЛАЕВА, «Ma'rifat» муҳбири

# КЕКСАЛАРНИНГ БИЗДАН КЎНГЛИ ҚОЛМАСИН

Жамоат транспортларида тенгдошларимиз ўзларини қандай тутаётганини ҳеч қузатганимизми? Кексаларимизнинг «Каттага ҳурмат, кичикка иззат», деган ўғитларини баъзида ёддан чиқармаямизми? Менда бу каби саволларнинг юзага келишига бир воқеа сабаб бўлди...

Бекат талабалар билан тўла. Троллейбус эшиклари очилиши билан йўловчилар тушишга ҳам улгурмасдан талабалар чиқиб учун эшикларга ёпирилишди. Уларнинг орасидаги троллейбусга чиқишга уринаётган, ёши ча-

маси олтимышларни қоралаган, сочларига оқ оралаган, қомати пича эгилган, озғин, қўлларига кичкина аравача часи бор аёл эътиборимни тортди. У троллейбусга чиқишга жон-жаҳди билан уринар эди. Талабалар эса аёлга эътибор ҳам беришмасди. У эса бир амаллаб троллейбусга чиқиб олди. Кекса одамга жўра берил ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмасди. У бўлса эшик яқинида жуда ноқулай жойда туриб қолганди. Бекатдан узоқлашаётган троллейбус ҳайдовчиси одатдагидек тезлик-

ни ошириб ҳайдай бошлади. Шунда олдиндаги машина қалтис ҳаракат қилиб шеклили, у бирдан тормозни босди. Бояги аёл қўтилмаган қаттиқ силкинишидан ўзини тугулмай, одамлар оёқлари остига йиқилди. У ўрнидан туришга ҳаракат қилар экан, кимдандир наҳот кутаётгани юзидан билдиришди. Аммо аёлга яқин турган икки ёш йигит уни телефон орқали видео тасвирга олиб, қўнғилиқларди. Бу ҳолатга чидаб бўлмасди, тенгдошларимнинг қилган ишидан уялдим. Аёлдан анча узоқ бўлсам-да, унга ёрдам беришга

интилдим. Унгача аёл ўзини тиклаб олди. Троллейбус у тушадиган бекатга етиб келди. Эшиклар очилганда ҳеч бўлмаса унинг тушишга ёрдам берай, деб аёл томон қўл қўздим. У ёрдимики рад этди. Йигитларнинг ўзини тутиши ва қилган иши оқибатида унинг ёшлардан — биздан кўнгли қолган, умиди ўзиндангиди. Бунга эса кўзларидан ўқиб олиш қийин эмасди.

Эркинжон ЁДГОРОВ, УЎДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси



Маъмура ЁҚУБОВА

## РАВОН НУТҚ — ТЕРАН ФИКР

Хозирги пайтда мактабгача таълим ёшидаги болалар нутқини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу талабларга жавоб бериш нутқни ривожлантиришга оид янги изланишларни тақозо этмоқда. Низомий номидаги ТДПУ "Умумий педагогика" кафедраси ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди, доцент Д. Бобоевнинг "Фан ва технология" нашриёти томонидан чоп этилган "Нутқ ўстириш методикаси" номли ўқув қўлланмаси ана шу талаб асосида юзага келган изланиш маҳсули бўлиб, у педагогика олий ўқув юртларининг магистрант ва талабаларига ҳамда академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқитувчиларига, мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг услубчилари ва тарбиячиларига мўлжалланган. Қўлланмада мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг нутқини ривожлантиришнинг йўналишлари, шакллари, восита ва методлари ёритиб берилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муаллиф ушбу ўқув қўлланмасида оилада бирор-бир ютуққа эришиш, албатта, тарбияга боғлиқлиги, болаларнинг нутқ маданиятини шакллантириш масалаларига атрофлича ёндашган.

**А. МУХСИЕВА,**  
педагогика фанлари номзоди, доцент  
**Г. СОДИҚОВА,**  
ўқитувчи



Кўп асрлик ўтмишни бошидан кечирган бетакрор ва жаннатмакон Ўзбекистоннинг қанчалар ажиб ва мафтункор, саховатли ва улугвор эканлигини дунёга тараннум этиб келаётган Самарқанд шаҳри тўғрисида

## "МОВАРОУННАХРНИНГ ҚУРУҚЛИҚДАГИ БАНДАРГОҲИ"

тарихчилар, географлар, сайёҳлар, савдогарлар ўз таърифларини беришган. Бу таърифутавсифлар ҳамон тўхтагани йўқ. Бир қанча китоб ва монографиялар муаллифи — тарих фанлари доктори, профессор Д.Алимова, академик Ю.Буряков ва тарих фанлари номзоди Ш.Раҳматуллаевлар томонидан «Самарқанд тарихи» номли китоб кенг китобхонлар оммасига тўхфа этилди.

Китобни варақлар экансиз, муаллифлар "Ўтмиши шараф-

ли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар" Самарқанд ҳаётининг бутун 2750 йили — бу замин тарихининг энг порлоқ саҳифаларидан бири эканини кичик рисола мисолида ва илмий-оммабоп шаклда


сизни ўзига тортади. Матнлар орқали этник, ижтимоий-сиёсий, маданий ва миграция



жараёнларининг ўзига хослигини теран тасаввур этиш ва тушуниш имконига эга бўласиз.

«Самарқанд тарихи» чиндан ҳам унинг ўтмишидан сўзлайди. Китобхон бу тарихий шаҳарни даврма-давр ўрганади. Муаллифлар истиқлол йилларида Самарқанднинг иқтисодий янада равнақ топганлиги, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга катта эътибор берилётганлиги, у ўз илмий-маърифий салоҳияти билан ажралиб туришини таъкидлайдилар. Мустақиллик йилларида Самарқандда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш бўйича катта ишлар олиб борилаётганига мисоллар келтирилган.

**Абдурахмон БОДИРОВ,**  
СамДУ қошидаги  
2-академик лицей  
ўқитувчиси



## ЗООЛОГИЯДАН ЯНГИ ДАРСЛИК

Зоология фанини ўзбек олимлари кенг миқёсда ўрганишган. Бу фаннинг ўзи ҳам бир неча тармоқларга бўлиниб кетади. Фан ривожига ўзининг 270дан ортиқ илмий, ўқув-методик ишлари, монография, дарсликлар билан ҳисса қўшган зоология фанлари доктори, профессор Сайдулла Дадаев ҳамда зоология фанлари номзоди, доцент Қаландар Сапаровнинг «Зоология (Хордалилар)» китоби олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичи зоология йўналиши талабалари учун ўқув адабиёти сифатида чоп этилди.

Табиий фанлар йўналишидаги ўқув адабиётлари, шу жумладан, зоология ўқув предметида оид адабиётлар ўзбек тилида жуда кам яратилган. Амалиётда қўлланилаётган дарслик ва қўлланмалар рус тилидан ўгирилган



бўлиб, маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олинмаган. С.Дадаев ва Қ.Сапаров яратган ушбу дарсликда маҳаллий материаллардан кенг фойдаланилган. Ҳар бир боб ёки йирик мавзулар охирида талабалар билимини аниқлаш ва уларнинг ушбу ўқув предмети бўйича фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун янги педагогик технологиялар асосида кўп вариантли ва комбинацияли тест топшириқлари ҳам берилган.

Бу ўқув адабиётида барча материалларнинг тўлақонли баён қилинганлиги ва ўрганиладиган турларнинг систематик гуруҳлари лотинча номлари билан келтирилганки, бу талабалар эътиборини тортади. Тақдим этилаётган маълумотлар зоология фанини ўрганишда умумий йўлланма бўлиб ҳисобланади. Мавзулар мазмунини янада чуқур ўзлаштириш учун дарслик сўнггида келтирилган зоология фанига оид кўплаб манбалардан фойдаланиш тавсия этилади.

**Ҳ. КУЗМЕТОВА**

Ғиждувон тиббиёт коллежи раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Мурод Мухторов, биология фанлари номзоди, доцент Азим Акрамов ва олий тоифали ўқитувчи Ҳикмат Абдиев ҳаммуаллифлигида «Табиат ва инсон» рисоласи «Бухоро» нашриётида чоп этилди.

Рисолада табиат ва инсон орасидаги муносабатлар хусусида фикр юритилади. Чунки табиатни муҳофаза қилиш инсон саломатлигида ҳам катта аҳамиятга эга.

Китоб уч бўлимдан иборат бўлиб, мамла-

## «БУХОРО» НАШРИЁТИДАН ТУҲФА



катимизда табиатни муҳофаза қилиш давлат аҳамиятига молик иш эканлигига эътибор қаратилган маълумотларни ўз ичига олади. Рисоланинг иккинчи бўлимида йил фасллари ва буржлари табиат билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади. Бу мавзулар тарихий маълумотлар билан бойитилган. Учинчи бўлимда эса табиатни асрашга бағишланган мақоллар ва уларнинг изоҳи келтирилган.

Рисолада табиатга муносабат ҳақидаги «Авесто» китоби ва халқ оғзаки ижодидан намуналар ҳам бор. Хусусан, «Наврўз», «Чилла», «Қантар оғди», «Нишона» каби одат ва расм-русумлар ҳақидаги тарихий маълумотлар бисёр. Рисола Бухоро воҳасида учрайдиган халқ оғзаки ижодидан матал ва афсоналар билан ўз мазмунини янада бойитган.

Рисола якунида Зарафшон воҳасида «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонот ва ўсимлик олами ҳақидаги тасвирий иловаларнинг берилиши ҳам ўзига хос хулосадан далолат беради.

**Исмоил САЛОМОВ,**  
**Абдулазиз НИЗОМОВ**

## ЎЗБЕК ТИЛИДА ИККИ ШАКЛИ СЎЗЛАР ИМЛОСИ

Яқинда филология фанлари доктори, профессор Мақсуда Содикованинг «Ўзбек тилида икки шакли сўзлар имлоси» номли рисоласи чоп этилди.

Рисолада икки шакли сўзлар жамланиб, улар сўзлашув тилидаги, шевадаги вариантлари, архаик ва этимологик вариантлари билан қиёсланиб таҳлил этилган. Муаллиф ҳозирги нуқтаи назаридан имло жиҳатидан тўғри, деб топилган вариантни асос сифатида, яъни икки хил шаклдан биринчиси имло жиҳатдан тўғри, деб топилди, келтирилган вариантнинг тавсия этиди.

Китобчада «Кириш»дан ташқари, «От туркумидаги сўзларда икки шакллилик ва уларнинг орфографик меъёрлари», «Атоқли отларда икки шакллилик», «Турдош отларда икки шакллилик», «Сифат категориясига оид сўзларда икки шакллилик», «Сон туркумида қўлланувчи икки шакли сўзлар», «Олмошларда икки шакллилик», «Феъл шаклларида икки шакллилик», «Равишларда икки шакллилик», «Ундовларда икки шакллилик», «Боғловчи сўзларда икки шакллилик», «Кўмакчиларда икки шакллилик», «Юктамаларнинг ёзилишида икки шакллилик», шунингдек, «Икки шакли аффикслар», «Шартли қисқартмалар» ҳамда «Ўзбек тилида қўлланиладиган икки шакли сўзлар ва уларнинг орфографик меъёрларини белгилаш» бўйича айрим мулоҳазалар ва лугат келтирилган. Охирида «Орфографик нормага мос бўлган ва бўлмаган шакл» лугати келтирилган.

Мақсуд рисола тилшунослар, ўқитувчилар, аспирантлар, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Суннатулла РИЗАЕВ**


Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент Эркин Фуломов гарчи мутахассислиги иқтисодчи бўлса-да, «Эзгулик — ҳаёт гултожи», «Маҳалла — қадрият ва аънаналар бешиги» деб ном-

«Ҳаётнинг буюк маънавий таянчлари» бобидан эса меҳрли қалб соҳибларининг беминнат саховатидан обод бўлаётган маҳалла ва хиёбонлар, қирарилган Далавий Маҳмудовнинг намуна оиласи билан танишасиз.

## ИБРАТЛИ УМР ИФОДАСИ

ланган китоблари билан ўқувчиларга яқиндан таниш бўлиб қолган. Унинг «Ўзликни англаш» («Истиқлол» нашриёти, 2010) китоби ҳам маънавий покляниш ва юксалишга даъват этиши билан аҳамиятлидир.

Китобнинг 1-боби «Олижаноб туйғуларнинг боқира палласи» деб номланган. Унда Тошкент туманида камолга етган бир неча зиёлиларнинг ибратли ҳаёт йўли ёритилган. Шунингдек, Данияда бўлиб ўтган эркин ва юнон-рум курашлари бўйича жаҳон чемпионлари, «Меҳнат шухрати», «Дўстлик» ордени совриндорлари Дилшод Мансуров, Нурлан Жакселиков, миллий Турон курашининг республика ва Осиё чемпиони Маҳфуза Абдуллаеванинг спорт соҳасидаги ютуқлари ҳам тилга олинганки, бу ёш авлод тарбияси учун жуда муҳимдир.



Учинчи боб «Эзгулик ҳам, бахтсизлик ҳам инсон зиммасида» деб бежиз номланмаган. Ушбу бобдаги «Сабрни айлагил ўзинга шир», «Эзгулик гулларин терай десанг», «Меҳр хирмонин уяй десанг» каби ҳаётий воқеалардан олиб ёзилган ибратли фазилатлар соҳиблари ҳақидаги хотиралар китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Китоб кенг китобхонлар оммаси, мактаб, академик лицей ўқитувчи ва ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, муаллиф ҳар бир мавзунинг баёнида маънавийтимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган энг муҳим омил ва мезонларни ҳаётий мисоллар, ҳикматли сўзлар, буюк алломаларнинг ўғит ва панду насиҳатлари билан изоҳлашга ҳаракат қилган.

**Маҳмуда ЗОИРХОН қизи**

# ЗАМОНАВИЙ ВА АНЪАНАВИЙ КАФЕДРА

— Равшан ака, сиз таклиф этган лойиҳанинг афзаллиги нималарда намоён бўлади?

— Энг аввало, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланганидек, кафедра — олий таълим мусассасасининг фанлар бўйича ўқув жараёнини ташкил этувчи, ўқув-услугий, илмий тадқиқот ишларини амалга оширувчи, илмий-педагогик кадрлар тайёрловчи, талабалар ўртасида маънавий-маърифий, таълим-тарбиявий фаолиятни олиб боровчи асосий таянч маскандир. Биз таклиф этаётган лойиҳанинг аҳамиятли жиҳати, устоз-шоғирд услуби асосида ўқув жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали, маънавияти бутун, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга йўналтирилган замонавий кўришдаги кафедра бошқарувини ташкил этишдир. Бунинг натижасида эса, талабаларнинг дарсида тўлиқ иштирок этиши таъминланади, ўзлаштириш кўрсаткичлари юқорилаб, мустақил фикрлаш қобилияти ҳамда ўз мутахассислиги бўйича амалий малака кўникмалари шаклланади.

Бундай кафедранинг яратишнинг, албатта, ўзига хос талаблари бор. Булар, аввало, замонавий билимга эга бўлган илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, ўқув адабиётларининг лотин алифбосига асосланган янги авлодини яратиш, талабларга тўлиқ жавоб берадиган моддий-техника базасини шакллантиришдан иборат. Ушбу замонавий кафедра талабаларнинг билим даражасини юксалтирибгина қолмай, кафедрада фаолият

## Улар орасидаги тафовут нимада?

Яқинда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилган Педагогик грантлар танловининг ғолиблари аниқланди. Маълумки, педагогик грантлар педагогика соҳасини ривожлантириш, таълим янгиликларини ҳаётга жорий этиш, шу йўлда фидокорона фаолият олиб бораётган устозлар фаолиятини муносиб баҳолашга қаратилган. Минглаб иштирокчилар орасидан 50 нафари ғолиб топилиб, грант соҳиби бўлди.

Куйида «Замонавий кафедра бошқарув моделини яратиш» лойиҳаси бўйича грантни қўлга киритган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Механизмлар назарияси ва машина деталлари» кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, доцент Равшан МАҚСУДОВ билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг ҳам ўз касбий малакалари, педагогик маҳорати, компьютер саводхонлигини, чет тилини ўрганиш ва илмий салоҳиятини ошириш имконини яратади. Бу эса, ўз навбатида, дарсларнинг сифатли ва кўргазмалли тарзда олиб борилишига имкон беради. Яъни, барча фанлардан электрон адабиётлар, электрон намоёнишлар, мультимедиа тизимида ўқув материалларини қўллаш, фанлардан назоратларни топширишда маслаҳатлар беришни компьютер ёрдамида амалга оширишни йўлга қўйиш таъминланади.

— Замонавий кафедра анъанавий кафедрадан нимаси билан фарқ қилади?

— Бу кафедра ўз номи билан замонавийлаштирилган технологиялар, электрон адабиётларга бой, таълим сифати юқори бўлган, таълим стандартларига тўлиқ жавоб берадиган кафедра ҳисобланади. Нафақат талабалар, балки кафедранинг профессор-ўқитувчилари ҳам замонавий билимга эга бўлиб, доимий равишда ўз устида иш олиб боради. Шунингдек, ушбу кафедра хориж билан ҳамкорликда тажри-

ба алмашинувиға имконият яратади.

Биз доимий равишда халқаро илмий алоқаларни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратиб келамиз. Россия, Германия, Бельгия, Япония, Ҳиндистон, Хитой, Греция каби қатор давлатлардаги юқори илмий салоҳиятли олимлар

### Oliy ta'lim

билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу лойиҳани тайёрлашда ҳам устозлар, институт раҳбарияти ҳамда хорижий давлатлардаги ҳамкасбларимизнинг тажрибалари ва маслаҳатларига таяниб иш юритдик. Лойиҳани ишлаб чиқиш зарурияти тажрибалар асосида, қолаверса, ўқув жараёнининг талабига кўра пайдо бўлди.

— Ишдан кутилаётган натижалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Кафедрдаги «Фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграцияси» тизимини янада такомиллаштириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари қошида очилган кафедра шахобчалари такомиллаштирилади. Бунинг учун кафедра қошида ташкил қилинган ҳомийлар

кенгашининг доимий ва асосий аъзоси бўлган «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг бевосита ёрдамида кафедра олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари натижалари пахта саноати корхоналарига татбиқ этилади. Фан-таълим-ишлаб чиқариш ҳамкорлигида пахта саноати техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича янги илмий ишланмалар тайёрланади.

Шу билан бирга, республика Механик олимлари уюшмасини тузиш ва бевосита ҳамкорликда замонавий кафедра бошқарув моделини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Кафедрани профессор-ўқитувчилари томонидан талабалар олган билимлар асосида технология машиналар механизми ва деталларини лойиҳалаш ишлари ҳамда мутахассислик кафедраларида тайёрланадиган битирув малакавий ишларининг «Механика» бўлимларини бажаришда талабанинг илмий излашларидаги масалаларни мустақил равишда ечиши учун қўл келадиган керакли билимлар бериб борилади.

Дарслик ва адабиётларнинг янги авлоди ярати-

либ, ўқитувчи фаолиятининг асосий қисмини акс эттирувчи «Дарслик-ўқитувчи», таълим олиш ва мустақил таълимни тўлиқ индивидуаллаштиришни таъминловчи «Мустақил билим олишнинг интеллектуал тизими» яратилади ва ўқув жараёнига жорий этилади.

Келинг, шу ўринда лойиҳага киритилган, институт миқёсида ҳаётга татбиқ этилаётган бир масалага тўхталиб ўтайлик. Кафедрда «ПРОЕКТ» талаба-ёшлар илмий-ижодий тўғарагини ташкил этганмиз. Ушбу тўғаракнинг асосий фаолияти мустақил таълим асосида фанларни яхши ўзлаштиришга кўмаклашиш, лойиҳалаш ишларини ўқитувчи назорати ва раҳбарлигида амалга ошириш, ишни сифатли бажарган ҳамда муваффақиятли ҳимоя қилган иқтидорли ва фаол талабаларни дипломлар ва ота-оналарини «Миннатдорчилик» ёрликлари билан тақдирлашдан иборатдир.

Мана, бир мисол. Яқиндагина қорақалпоғистонлик талаба устози ёнига келиб, уйига юборилган миннатдорчилик хатини олган ота-онасининг боши осмонга етганини, ҳар куни қайта-қайта унга телефон қилиб, дуо қилаётганларини тўлқинланиб сўзлаб берибди. Бу мисол ота-она қалбидаги эзгу умидларнинг рўёби, уларнинг кўнглида фарзанддан фахрланиш, ифтихор туйғуларининг жўш урганлигидан, фарзандининг комил инсон сифатида воёга етиб, ота-она орзу-умидларини рўёбга чиқараётганликларининг меваси, деб баҳоласак бўлади.

Дилфуза ЭРГАШЕВА  
суҳбатлашди.

Глобаллашув даврида инсоният дунёда ҳукмронлик ўрнатиш йўлидаги сиёсий курашлар, мафкуравий «талотўп»лар, ахборот хуружлари гувоҳига айланяпти. Бу хуружларнинг турлари ҳамда воситалари эса хилма-хил.

Дейлик, бирор хорижий телесериал лавҳасида очик-сочик кийинган, ота-онасининг кўзига тик қараб гап талашаётган, одобсизлик қилаётган ўғил ёки қизнинг хатти-ҳаракати демократик ахлоқнинг бир кўринишидай талқин этилади. Ёш томошабин эса бу ҳолатни табиий жараёндек қабул қилади. Гўёки, аслида ҳам шундай бўлиши керакдек. Телевизор қаршисида улғайиб, унинг ёзилмаган «қонун»лари таъсири остида тарбия топаётган ёш авлод онгида, турган гапки, эгоцентризмининг дастлабки белгилари намоён бўлиб боради.

Эгоцентризм деганда (лотинча его — «мен» ва centrum «марказ»), шахсий манфаатларини ҳамма нарсдан устун қўйиб, борлиқни субъектив нуқтаи назардан талқин этиш тушунилади.

«Оммавий маданият» деган ниқоб остида тарқалиб бораётган, умуминсоний маданиятга мутлақо қарма-қарши тушунчалар ёшлар онгини эгаллашга қаратилаётганини англаб олиш қийин эмас. Зеро,

## БОЛА ЭРЖИЧЛИГИ УЧИ ЭЗГУЛИК САРИ ЧОРАШИ ЗАРУР

фарзандларимизнинг кундалик «эхтиёж»лари учун зарур буюмлар рўйхати, бугунги кунда, телевизор, уяли алоқа воситаси ва компьютердан иборат бўлиб қолган. Асосий ахборот тарқатиш воситалари ҳам мана шулар. Хўш, боланинг хавфсизлиги учун ким жавобгар? «Чексиз имкониятлар» қаршисида турган фарзандингиз ярим соат ўйин ўйнаш, телефонда гаплашиш ёки мультфильм кўриш билан чекланишига ишончингиз комилми?

Тўғри, бола эркин ўсиши, мустақил бўлиши зарур, лекин бу уни қаровсиз, назоратсиз қолдириш дегани эмас. Бироқ унинг эркинлиги ҳимояга муҳтож. Ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган инсоннинг

бошқа «куюнчак»ларнинг беозор кўринган назоратига, кутилмаган таъсирлар домига тушиб қолиши, билиб-билмай уларга эргашини яхши натижага олиб келмайди.

«Оммавий маданият»ни ёйиш борасида таъсир чораларини зўр бериб қўллаётганлар нимани мўлжаллаётгани ҳақида фикрлаб кўрсак, масала анча ойдинлашади. Бундай маданиятга берилган, но-соғлом муҳитда тарбияланган фарзанд ота-она, яқин қариндошлар-

нинг қадрини, оила ва мактаб даргоҳининг

### Ta'kid

муқаддаслигини англамайди. Даҳшатлиси, эртага у оила куриш масаласига ҳам мана шу нуқтаи назардан ёндашади. Ваҳоланки, шарқда оила жамиятнинг асосини ташкил этувчи кўрғондир. Асрлар давомида ўзини оқлаб келаётган эзгу анъаналар келажак авлодни тўғри тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзлимиздан, биз учун муқаддас бўлган инсоний фазилатлардан йироқлашмаслик учун оммавий ва чин маънодаги маданият тушунчаларини бир-бирдан фарқлашимиз, қадриятларимиз, миллийлигимизни сақлаб қолиш учун биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Энг тўғри йўл шу.

Тамара ТИЛЛАЕВА,  
Адлия вазирлиги  
Хукуқий тарғибот  
ва хукуқий таълим  
бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари

Шифокорлар ультра-товушли текшириш (УТТ)дан фойдалана бошлаганига ҳали унчалик кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан, усиз бугун тиббиётни тасаввур қилиш қийин. Ҳатто чекка қишлоқларда ҳам ультратовушлар ёрдамида текшириш одатий ҳолга айланиб қолган. Ҳозирги кунда ташхис қўйиш, ҳомила, чақалоқнинг жинси ва турли ўсмаларни аниқлаш-

каклардаги простата безининг аденомасини аниқлаш қийин масала эди. УТТ ёрдамида текширув тез ва осон амалга ошириладиган бўлди. Бачадондаги миома, фиброма, фибромиома, қалқонсимон бездаги бўқоқ ва ҳар хил хавфли ўсимталарни ўз вақтида аниқлаб даволашда УТТдан фойдаланиш амалиётининг ҳиссаси катта.

Биринчи уч ўлчовли УТТ аппарати 1989

қўшимча пул эвазига ҳоми-ланнинг сура-тини рамкага солиб, оналарга тақдим этиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Шифохонамизга келган ёш келинлар ва уларнинг яқинлари биздан кўпинча УТТнинг ҳомиладор аёллар саломатлиги учун зарарли томонлари бор ёки йўқлиги ҳақида сўрайди. УТТ усули хавфсиз ҳисобланади,

## Tibbiyot va fan



нишга рухсат берган. Яъни қуйидаги ҳолатларда:

- ҳомиладорлик ташхисини қўйиш;
- она қорнидаги чақалоқнинг аниқ ёшини белгилаш;
- туғма нуқсонларни билиш ва ташхис қўйиш;
- ҳомиланнинг ривожланишини кузатиш;

# УЛЬТРАТОВАУШЛИ ТЕКШИРИШ

## саломатлик учун зарарлими?

да УТТдан фойдаланиш энг қулай усул ҳисобланади.

Кўп ватандошларимиз УТТ усули фақат акушерликда қўлланилади, деб ўйлайди. Ҳақиқатан ҳам, бу усулдан дастлаб ҳомиладор аёлларни текшириш учун фойдаланилган. Лекин, замонавий технологиялар туфайли УТТ ёрдамида текширилган объектни нафақат икки томонлама, ҳатто уч томонлама суратга олиш имконияти пайдо бўлди. Шу билан бирга 3Д (уч томонлама) УТТ усулидан тиббиётнинг турли соҳалари, жумладан, жароҳлик, урология, эндокринология, офтальмология, гинекология, нейрохирургия, терапия, педиатрия, травматология, ортопедияда фойдаланиш шифокорларнинг ишини анча енгиллаштирди. Масалан, авваллари эр-

йили Австрияда кашф этилди. Лекин, ускуна суратларининг сифати яхши бўлмагани учун, у оммавийлашиб кетмади. Тиббиётда уч ўлчамли УТТ усулидан кенг фойдаланишнинг бошланиши компьютер технологиялари ривож топган 1995-1996 йилларга тўғри келади.

Уч ўлчовли УТТ кўп ҳолларда акушерлик амалиётида қўлланилади. Ускуна ёрдамида ҳомиланнинг жинсидан ташқари, унинг ҳаракатлари, юзининг ифодаси, кўзларини юмиб очиши каби ҳолатларни тўлиқ кўриш имконияти бор. УТТнинг аниқлиги баъзи мамлакатлар шифононаларида унга фақат ташхис қўйишнинг хавфсиз усули эмас, балки бўлажак ота-оналар учун эрмак сифатидаги қарашларнинг шаклланишига олиб келди. Ҳатто

аммо уч ўлчамли УТТдаги датчик қуввати икки ўлчамли УТТга қараганда анча юқори. Шунингдек, беморни текшириш учун уч ўлчамли УТТда 40-50 дақиқа вақт керак бўлган бир пайтда, икки ўлчамли УТТда бор-йўғи 15 дақиқа вақт сарфланади. Тажрибали шифокорларнинг фикрича, УТТ фақат зарур бўлган ҳолатларда, тиббий кўрсатмаларга амал қилган ҳолда ўтказилиши керак. Афсуски, бугунги кунда УТТ бўйича пуллик тиббий хизмат йўлга қўйилгани сабабли, жуда кўп текширувлар мутахассис тавсиясига кўра эмас, балки, беморнинг хоҳиши билан амалга оширилмоқда.

Америка соғлиқни сақлаш бошқармаси уч ўлчовли УТТдан фақат оддий икки ўлчамли УТТ натижа бермаган ҳоллардагина фойдала-

— кўп фарзандли ҳомирани аниқлашда уч ўлчамли УТТни қўллаш мумкин.

Илм-фан ривожланиб бораётгани сари, УТТ тиббиётнинг кўплаб соҳаларида қўлланилмоқда. Бу усулнинг улкан афзалликлари, айниқса, жигар, ошқозонности беги, ўсимталар, қон томирларининг атеросклеротик шикастланишини аниқлашда яққол кўзга ташланади. Уч ўлчамли УТТнинг яна бир ижобий томони шундаки, у компьютер томографиясининг ўрнини ҳам боса олади. Таъкидлаш керак, компьютер томографиясида кучли нурланиш мавжуд. Агар бу икки усулдан бирини танлашга тўғри келса, биз иккинчисини тавсия қилган бўлар эдик.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,  
олий тоифали  
терапевт

# ОРОМГОҲ ХАВФСИЗ МАСКАН БЎЛСИН!

Болаларнинг ёзги таътилда мароқли дам олишлари учун Республикамиз ҳудудида ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу соғломлаштириш оромгоҳларида бир қанча ишлар ҳар қачонгидан ҳам қизгин давом этмоқда. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича Давлат ёнгин назорати ходимлари томонидан керакли кўрсатма ва эслатмалар бериб борилмоқда. Болаларнинг мароқли дам олишлари, ёнгин келиб чиқишига сабаб бўладиган воситалардан фойдаланмасликлари учун оромгоҳларда ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш мақсадида оромгоҳ раҳбарияти билан ҳамкорликда керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак. Оромгоҳларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш қуйидаги ҳолатлар бўйича амалга оширилади:

— оромгоҳлардаги ёнгинга қарши сув ҳовузлари, ташқи ва ички сув қувурлари сохта ҳолда ва улар доимий равишда сув билан таъминланган бўлиши лозим;

— ҳудуд доимо тоза сақланиши, тез ёнғичиқиндилар ҳамда куруқ ўтлардан мунтазам равишда тозаланиб турилиши;

— меъёр талаблари асосида бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан таъминланиши ва улар сохта ҳолда бўлиши;

— барча бино ва қурилмаларга бориш йўллари, шунингдек, сув манбалари, ёнгин ўчириш асбоб-анжомлари сақланадиган жойларга бориш йўлақлари доимий равишда очиқ ҳолда бўлиши;

— барча биноларнинг марказий электр ўчиргичлари бино ташқарида бўлиши;

— ётоқхоналарда ёнгин ёки фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда инсонлар ва моддий бойликларни қутқариш режалари билан жиҳозланган бўлиши;

— стол, стул, тумбочка ва кароватлар хонадаги чиқиб эшикларини тўсиб қўймайдиган қилиб ўрнатилиши лозим;

— ётоқхоналарнинг захира чиқиш йўллари, йўлақлари доимо очиқ бўлиши ушбу жойларда мебель ва бошқа ҳар қандай буюмларнинг сақланиши ҳамда чиқиш эшикларининг михлаб ёпиб қўйилиши ман этилади;

— болалар гулханини махсус тайёрланган ва бинолардан 100 метр узоқликда жойлашган майдончаларда ёқишга рухсат этилади. Гулхан атрофи 1.4 метр кенликда чопилиши ва 25 метр радиусда қуриган ўтлардан тозаланиши керак. Ушбу майдонча бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан таъминланиши лозим. Дарахзорлар яқинида ҳамда шамолли об-ҳаво шароитида гулхан ёқиш мумкин эмас;


— байрам тугаганидан сўнг гулхани сув билан ўчириш ва тупроқ билан кўмиб ташлаш керак;

— ҳудуд ёнгин хавфсизлиги қисмлари билан алоқа боғлаш учун телефон ёки бошқа алоқа воситалари билан таъминланиши лозим.

Азиз ЖҲАБИБОВ,  
12-ХҲХХ 3-алоҳида  
пост кичик  
инспектори,  
катта сержант

## ОММАВИЙ ЭВАКУАЦИЯ БОШЛАНДИ

Венгрия ҳукуматининг расмий қарорига биноан, мамлакатда кенг миқёсда аҳолини хавфли ҳудудлардан кўчириш ишлари бошланган. Боиси, мамлакат шимолий ҳудудларида жойлашган турар жойларнинг сув остида қолиш хавфи бор экан. Ҳозирга қадар фавқулодда ҳолат 19та ҳудудда эълон қилинган ва минглаб одамлар шошилинч равишда ўз уйларини тарк этишмоқда. «Лента» электрон манбасининг маълумотларига кўра, мамлакат пойтахти Будапешт ҳам хавфдан холи эмас.



Айни пайтда тошқинни юзага келтираётган Дунай дарёсининг

сув сатҳи кўтарилишда жадал давом этмоқда. Маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан соҳил бўйи ҳудудларда автотранспорт ҳаракати бутунлай тўхатилган. Мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, тошқин туфайли кўриладиган зарар миқдори 300 миллион еврадан ҳам ошиши мумкин экан.

## ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

2010-2011 Ўқув йили  
АБИТУРИЕНТЛАРИНИ 6-17-18 ИЮНЬ  
КУНЛАРИ "ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ"ГА  
ТАКЛИФ ЭТАДИ

9.00-16.00 гача давом этадиган тадбирда институтда мавжуд бўлган барча йўналишлар ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин.

Бизнинг манзил : Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй  
Телефонлар: 244-18-78, 241-14-52

www.tasi.uz

E-mail: tasi\_info@edu.uz

## ГРЕНЛАНДИЯ ТОБОРА «КЎТАРИЛМОҚДА»

Дунёдаги энг катта орол — Гренландиянинг аксарият қисми қалинлиги салкам икки километрга тенг муз билан қопланган. Ҳар йили музлик эриб бориши туфайли оролнинг қуруқлик қисмига бўладиган босим ҳам камайиб бораёпти. Ўз навбатида, бу орол сатҳининг кўтарилишига олиб келмоқда, дейилади [es0.rian.org](http://es0.rian.org) электрон манбасида.

Агар 2006 йили НАСА «МОДИС» сунъий йўлдоши ёрдамида олинган суратга назар ташлансангиз, ўртада музликнинг асосий массаси ва қирғоқ бўйи ҳудудларини ажратиб турувчи ингичка чизиқни кўриш мумкин эди, дейди Майами университети геолог олимлари. Тадқиқотчиларнинг изланишлари бир йилда оролнинг баъзи соҳил бўйи ерлари баландлиги 3 сантиметрга кўтарилаётганини кўрсатди.

— Авваллари ҳам иқлим ўзгариши оролнинг муз қатламига таъсир этаётганини билар эдик, бироқ эндиликда эриш тезлиги ва қуруқлик қисмининг ортиб бориши ташвишга солмоқда, — дейди олимлардан бири Тимоти Диксон.

Умуман олганда, Гренландия сатҳининг кўтарилиши 1995 йилдан бери кузатилади. Улкан қуруқликда рўй бераётган ўзгаришлар муз бўлмаган ҳудудларга жойлаштирилган «Жи-Пи-Эс» тизимидаги стационар қурилмалар ёрдамида қайд этилади. Соҳиллардан айсбергларнинг ажралиши ва эриши умумий музлик ҳажми камайишига олиб келади. Марказий қисмдаги йўқотишларнинг маълум қисми эса қор, ёмғир каби ёгингарчиликлар туфайли тикланади.

Оролни тадқиқ этаётган яна бир мутахассис Ян Цзан халқаро ташкилотлар мазкур изланиш натижаларига бераётган бўлмаслиги керак, деган фикрни илгари сурапти. Сабаби, Гренландиядаги музликлар эришда давом этса, бу ҳолат дунё океанлари сатҳининг кўтарилишига олиб келиши мумкин экан. Шу билан бирга, айна пайтда Шпицберген ва Исландия архипелагида ҳам музликларнинг эриши кузатилмоқда.




## ИККИ АВЛОДГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

Мексика кўрфазидagi нефть платформаси ҳалокати туфайли юзага келган улкан «доғ» маҳаллий экология тизимига ўта зарарли таъсир кўрсатапти. Бу ҳақида «Corriere della Sera» нашрида италиялик биолог Романо Паноттанинг мақоласи чоп этилди.

Бугунги кунда Миллий тадқиқотлар маркази гидроресурслар бўлими ходими Романо Панотта вазиятни ўрганмоқда.

— Сўнги изланишлар таҳлили сув организмларида цитохром моддаси борлигини кўрсатди, — дейди тадқиқотчи. — Унинг пайдо бўлиши энг йирик техноген фалокатлардан бири 1989 йили Аляска соҳилларида «Эксон Валдез» танкери ҳалокати билан боғлиқлиги изланишлардан маълум бўлди. Айтмоқчи бўлганимиз, ушбу нохуш ҳодисага 20 йилдан ошганлигига қарамай, унинг оқибатлари ҳали-ҳамон кузатилаёпти.

Тирик организмларда экологик фалокатларнинг оқибати уларнинг яшаш даври давомийлиги билан белгиланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мутахассис сув жониворларининг баъзи турлари салбий таъсирлардан халос бўлиши учун икки авлод алмашилиши талаб этилади, деган фикрда. Бунда аввало, сув қушлари эътиборга лойиқ, чунки улар кимёвий моддалар тўпланган сувда яшайдиган балиқ ва бўғимоёқлилар билан озиқланади. Озуқа бўладиган ҳайвонлар организмиди йиғилган заҳарли моддалар уларни истеъмол қилган қўшқанотлиларга ўтиши занжирни юзага келтиради. Натижада улар узок йиллар давомида тирик организмларда сақланиб қолиши мумкин.



## ЧЕКИШ ВА АҚЛИЙ САЛОҲИЯТ

Тель-Авив университетида ўтказилган изланиш тамаки маҳсулотларига ружу қўйган ёшларнинг ақлий салоҳияти (IQ) чекмайдиган тенгдошларига нисбатан паст эканини кўрсатди. 18—21 ёш ораллигидаги кўнгилчилар жалб этилган мазкур тадқиқот якунида чекишнинг мияга зарари яна бир қарра ўз исботини топди. Бу ҳақида «Скайтек лайброри» манбаси эълон қилди.

Натижаларга кўра, соғлом турмуш тарзи тарафдори бўлган ёшларнинг ўртача ақлий салоҳият даражаси 101, чекадиганларники эса 94га тенг экан. Кунига бир қутидан кўпроқ чекадиганларда эса бу кўрсаткич 90га яқин бўлган. Умуман олганда, ҳеч қандай руҳий касалликлар кузатилмаган, соғлом ёшларда бу натижа 96—116 атрофида бўлиши зарурлигини мутахассислар таъкидлашган.

Таҳриба пайтида 20 000 нафар иштирокчиларнинг соғлиги, уларнинг чекаётган даврдаги ва чекишни ташлагандан кейинги мия фаоллиги кузатиб борилган. Мазкур изланиш натижалари эпидемиологик тадқиқотларнинг умумий тенденциясини акс эттирмоқда. Уларга кўра, ақлий салоҳият даражаси ўртача кўрсаткичдан паст бўлган инсонлар одатда ўз соғлиги ҳақида кам қайғураётган экан.

Таъкидланишича, натижалар мактаб ва олий таълим муассасаларида фаолият юритадиган, ёшлар ўртасидаги зарарли одатларга қарши курашадиган тиббий маслаҳатчиларга айниқса қўл келади. Бунинг устига, ақлий салоҳияти белгиланган меъёрдан паст бўлган ўқувчилар алоҳида эътиборда бўлиши керак. Чунки уларда чекиш ва наркотик моддаларга ружу қўйиш эҳтимоли баланд бўлиши мумкин. Шу сабаб ўз вақтида улар билан шуғулланиш ёшларнинг зарарли одатларга ўрганишининг олдини олишга ёрдам беради.



## ТЕЗЛИК БЎЙИЧА ДУНЁДА ПЕШҚАДАМ

Ҳамбург шаҳри (Германия)да ўтказилган халқаро конференцияда ўтган ярим йилликнинг дунёдаги энг тезкор 500та компьютер рўйхати эълон қилинди. Унга кўра, Хитойнинг Шэньчжэн шаҳридаги «Доунинг Небула» компютери иккинчи ўринга лойиқ топилди. ЭХМнинг тезлиги 1,27 петафлопга тенг, бошқача қилиб айтганда, у секундига 1 000 триллионга математик амалларни бажариш имкониятига эга, деб ёзади «Нью Йорк Таймс».




Рўйхатдаги энг юқори поғонага Оукриж миллий лабораторияси (Теннеси, АҚШ)даги «Грэй ягуар» компютери муносиб кўрилди. Мазкур электрон ҳисоблаш машинаси ўтган йилнинг ноябрь ойида 1,75 петафлоп натижани кўрсатган. Айна пайтда мамлакат энг кўп суперкомпютерлар тизимига эга деб ҳам эътироф этилди: ҳозирда бу ерда 282та ЭХМ ишлаб турибди. Лекин конференцияда алоҳида қайд этилган жиҳат шуки, эндиликда шарқликлар океанорти мутахассисларига бемалол рақиб бўла олишини намойиш этмоқда.

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўзидаёқ Хитойда тезлигига кўра биринчи ўринга даъвогарлик қилиш қувватига эга компьютер яратилиши кутуляпти. Бу ҳақида Теннеси университети профессори Жек Донгарра маълум қилди. Айна пайтда америкалик мутахассислар ҳам етакчиликни бой бермасликка интиломоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур мақсадга қаратилган лойиҳалар 2018—2020 йилларда аниқ самара бериши мумкин.


## ЮПИТЕР БИЛАН ТЎҚНАШУВ

«Нэйче» илмий нашрида Юпитер билан номаълум жисм тўқнашгани ҳақида ахборот эълон қилинди. Манбада айтилишича, самовий жисм сайёрага урилганида Юпитернинг жанубий яримшарида оқ рангдаги учкун кузатилган. Ҳозир олимлар тинимсиз равишда кузатув олиб борилаётганига қарамай, ушбу жисмнинг нима эканини аниқ айта олишмаяпти. Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, сайёранинг самовий жисм билан тўқнашуви ҳақида илк бора ҳаваскор астрономлар Энтони Уизли ва Кристофер Гоу маълум қилган. Улар доимий равишда Юпитерни кузатиб келади, шунинг учун мазкур ҳодисани тасвирга олишнинг уйдасидан чиқишган. Қизиқ жиҳати, астрономлар воқеанинг ҳаттоки қисқа метражли видео тасвирига ҳам эга бўлган ва тегишли ташкилотларга уни тақдим этишган.



## ТИМСОҲЛАР ОКЕАН БЎЙЛАБ СУЗАДИ

Биология китобларига *Crocodylus porosus* номи билан киритилган тимсоҳ яна тожли ёки денгиз кезувчи, деб ҳам юритилади. Ушбу турдаги жониворлар ўз оиладошларига нисбатан кенг географик ҳудудни қамраб олади: уларни Тинч океанининг жануби-шарқий соҳиллари бўйлаб 10 минг квадрат километрга бўлган ҳудудларда учратиш мумкин. Уларнинг бу даражада кенг тарқалиши ҳайвонларнинг доимий равишда океан бўйлаб сузиб юриш қобилиятига эгаллиги билан изоҳланади. Лекин зоолог олимлар шу пайтгача ушбу рептилия (судралиб ёки ўрмалаб юрадиган ҳайвон) бундай узок масофаларга қандай ҳаракатланишини билмас эди, чунки тимсоҳларнинг яхши суза олмаслиги маълум.



Квинсленд университети (Австралия) зоолог олими Крейг Франклиш бошчилигидаги бир гуруҳ тадқиқотчилар айнан шу ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида изланиш олиб боришган. Яқунда улар тимсоҳлар ортиқча қийинчиликларсиз сув усти оқимлари бўйлаб ҳаракатланишини аниқлади. Демак, судралиб юривчилар океан оқими керакли йўналишга қаратилганида ҳаракатлана олади. Шу сабаб ҳам улар дам соҳилга чиқиб, дам сув тубига тушиб, қулай об-ҳаво шароитини кутар экан.

Тадқиқотчилар бир йил давомида Шимолий Квинсленд ҳудудидаги Кеннеди дарёсида яшайдиган тимсоҳларни кузатишган. Ҳайвонлар танасига ўрнатилган акустик ускуналар ёрдамида эса денгизларда сув кўтарилиши сезиладиган 63 километрли масофада уларнинг ҳаракатланиши назорат қилинган. Натижада, тимсоҳларнинг аксарияти кунига 10 километрдан ортиқ масофани босиб ўтиши аниқланди. Эътиборлиси, рептилиялар саёҳати 96 фоиз ҳолатда оқим бўйлаб амалга оширилган.

Олимларнинг фикрича, келгусида тимсоҳ ва қушларнинг кўчиши ҳамда библиш қобилиятидаги ўхшашликларни ўрганиш асосида кўплаб саволларга жавоб топиш мумкин. Сабаби, эволюция нуқтаи назаридан олиб қараганда, судралиб юривчиларнинг айнан шу тури бошқаларга нисбатан қўшқанотлиларга яқинроқ, деб ёзади «Журнал оф энімал эколожи» («Ҳайвонлар экологияси» журнали).

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамоаси институт проректори, доцент Раҳимберди Исломовга ораси

Саломат ая **КАРИМБЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тонг. Айвоннинг шифтига ин қурган бир жуфт қалдирғочнинг вижир-вижирдан уйғониб, энди-гина ҳовлига чиқиб баҳор ҳавосидан нафас олиб атрофни томоша қилиб турган эдим. Кўшни ҳовлидан таралаётган ажиб куй, сеҳрли бир кўшиқни эшитиб хушёр тортдим: “Таълим берган устозингдан айрилма”. У гўёки бугунга режалаштирган ишимни яна бир бор ёдимга солаётгандек жарангларди. Бугун илк бор ёзишни ўргатган устозимнинг таваллуд кунини.

Қўлимда гулдаста билан мактаб ҳовлисига кириб борар эканман, мактаб боғи эртақларда тасвирланган Боғи Эрам гўзаллигидан ҳеч кам эмасди. Дарахтлару турфа хил гуллар ранг-баранг бўлиб гуллаган. Ана, бир вақтлар биз ўтказган ниҳоллар ҳам кўкка бўй чўзиб қолибди. Бирданига “Ҳа, Бобур, нега эрталабдан гул кўтариб юрибсан? Бизнинг мактабдан уйланмоқчимисан?”, — деди кимдир. Ўгирилиб қарасам, бир гала меҳмонларни ҳовлида айлангириб юрган мактаб раҳбари Жонибек Устемиров экан.

— Бугун устозимнинг туғилган кунини эди. Уни табриклашга келгандим, — дедим.

## ҚАДРДОН МАКТАБ СОҒИНЧИ

— Устозингни табриклаш учун келган бўлсанг, раҳмат сенга, — қувончдан кўзлари порлаб кетган директор, афтидан, меҳмонлар олдида янада фахрга тўлди.

Ичкари кириб, ўқитувчимни топдим. Гулни бериб, унга дилимдаги тилакларни изҳор қилдим. Устоз-шоғирд ҳали дий-

дорга тўймай туриб қулоқларимизда жаранги қолиб кетган гўзал бир сас, кўнгироқ овози жаранглади.

— Хайр, Бобур, кейин бафуржа гаплашамиз. Болалар кутиб қолмасин, — дарсга шошилди устоз.

Қайтаётиб бугун мактабда ўзгача кўтаринки кайфият ҳукмронлигининг сабабини билгим келди. Дарвоқе, меҳмонларнинг ташрифи ҳам бежиз эмасдир?! Шу вақт директорнинг ўқув-ишлар бўйича

ўринбосари Ирода опа Фозилова-ни учратиб қолдим. У ҳам шошилиб турарди. Аммо собиқ ўқувчиси-нинг ҳозирги фаолияти жонкуяр устоз учун жуда қизиқ эканлиги уни анча «ушлаб» қолди. Ҳозир қаерда ишлаётганим, нималар билан бандлигим тўғрисида суриштириб, танлаган йўналишим

юзасидан бир қанча маслаҳатлар беришга ҳам улгурди. — Мактабимиз ўзгариб кетибди, — дедим бояги ҳайратларимни яширолмай.

— Ҳа, кўрдинг, мактабимиз қандай чиройли бўлиб кетган. Илгари ҳатто тузукроқ таъмирланмасди ҳам. Истасанг, синфхоналарга — физика, кимё лаборатория хоналарига кириб кўр. Спорт зали, кутубхоналаримиздаги шароитларни

кўрсанг, қувониб кетасан. Мактабимизда ҳамма шароитлар бор, энди эса биз ўқув самарадорлигини ошириш учун интиляпмиз. Бугунги келган меҳмонлар ҳам семинар иштирокчилари. Шу залда у мени мактабда қилинаётган ишлар билан таништириб чиқди.

Ҳақиқатан, мактабимиз қиёфаси анча ўзгарган. Синфхоналар-ку, таниб бўлмас даражада. Аммо бир нарса ўзгармаган, бу ҳам бўлса — устозларим меҳри, мактабим нафаси. Уларнинг юзларидан қилаётган ишидан мамнунлик ҳамда яратилган шунча шароитга яраша иштиёқ шундай билиниб турарди.

Келаётганимда қадамларим катталарча залворли эди, ҳозир мактабнинг эшиги сари борар эканман, болалардек енгил ва қувнок сездим ўзимни. Оёғим тагига думалаб келган тўп ҳам, бу кайфиятдан узоқлашишимни истамаётгандек мени қувиб келарди. Ортимга ўгирилиб, уни болалар томон йўналтирдим. Қадрдон мактаб меҳри шундай илиқ бўларкан...

Бобур ПАТТАЕВ,  
Юқори Чирчиқ туманидаги  
33-мактабнинг собиқ ўқувчиси

### E'tirof



### Asliyatdan tarjima

шига ўхшайди. Фақат ўзингизга овқатланишинг керак. Кимдир сенинг ўрнингга овқатланолмайди.

Бу ишларни фақат ўзингиз ота-она бўлганингдан кейингина тушунасан.

Агар билсанг, сени урганимда ҳеч қачон бирор нарса ишлатмайман. Сен қанчалик оғриқни ҳис қилсанг, менинг қўлим ҳам худди шундай оғриқни ҳис қилади. Ўшанда азобини иккаламиз ҳам бирдек тартамиз. Шундагина, сени қанчалик қаттиқ

Шу Мин Би

Бир кун дугонам билан чақ-чақлашиб ўтирганимизда, унга: «Бу ҳаётда мен бирор кимсани уриб кўрган эмасман», дедим. Ўшанда бирдан сен менинг оғзимга урдинг: «Ойи сиз тез-тез бир одамни урасиз. У ҳам бўлса — мен», — дедим.

Шу пайт хона жим-жит бўлиб қолди. Ундан кейин меҳмон билан суҳбатимизни анчагача давом эттирдик. У билан кўп нарсалар ҳақида гаплашдик, лекин барча гаплар у қулоғимдан кириб, бунисидан чиқарди. Болажон, сенинг айтган сўзларинг менинг юрагимда бир қурт каби ўрмаларди.

Сени биринчи бор урганимнинг сабабини ҳозир аниқ эслолмайман. Лекин у пайтда сен ўзингизнинг кичик ақлингизни кўрсата бошлаганинг, кўп нарсани тушунадиган бола бўлиб қолганинг аниқ эди. Сен кичик бир кўзичоқдек тинчимас, айтганини қилдирадиган қайсар эдинг. Тепгинг келса — тепардинг, тишлагинг келса — тишлардинг. Буларни эслаб қолишинг, буларга риоя қилишинг учун мен сенга жамиятнинг умумий қонун-қоидаларини эслатишим зарур эди. Барча мақтовларим, койишу қўрқитишларимдан натижа бўлмади. Кейин, но-

## ЎЗБЕК — ЎЗ ОҒАМ

### Қозоқ халқ мақоллари

|                           |                            |
|---------------------------|----------------------------|
| Одам одамга суянар,       | ***                        |
| Дарахт — томирига суянар. | Кўргандан кўрмаганинг кўп, |
| ***                       | Билгандан билмаганинг кўп. |
| Оловсиз тутун бўлмас,     | ***                        |
| Қайғусиз — қувонч.        | Билганинг бир тўққиз,      |
| ***                       | Билмаганинг тўқсон тўққиз. |
| Пулни қўл билан берасан,  | ***                        |
| Оёқ билан оласан.         | ***                        |
| ***                       | Ақл озаймас,               |
| Сотувчи дўконда мақтар,   | Билим тўзмас.              |
| Харидор — уйида.          | ***                        |
| ***                       | Хунар оқиб турган булоқ,   |
| Гул ўсса — ернинг кўрки,  | Илим ёниб турган чироқ.    |
| Қиз ўсса — элнинг кўрки.  | ***                        |
| ***                       | Китоб олим —               |
| Туя минган ҳар қозоқ      | тилсиз муаллим.            |
| Тўрт мисра кўшиқ билар.   | ***                        |
| ***                       | Илим тубсиз теран қўл,     |
| Кўшиқ сўзнинг подшоси.    | Нодонлик нурсиз            |
| (Абай)                    | жазирама чўл.              |
| ***                       | ***                        |
| Уч болани ўстиргунча      | Хунар кўпга ҳам етказди,   |
| Уч шаҳар обод бўлур.      | Кўкка ҳам етказди.         |
| ***                       | ***                        |
| Бахти кулган одамнинг     | Хунарли қўл оч бўлмас.     |
| Ўғли эпчил,               | ***                        |
| қизи сулув бўлур.         | Ақлсиз умр —               |
| ***                       | занг босган темир.         |
| Отдан той ўзади,          | ***                        |
| Отадан — фарзанд.         | Билим — инсон бойлиги.     |
| ***                       | ***                        |
| Денгиз қуримас,           | Ўзбек — ўз оғам.           |
| Халқ адашмас.             | ***                        |

Хитой тилидан  
Фароғат ЖАББОРОВА  
таржимаси.

Қозоқчадан  
Расул КУШЕРБОВ  
таржимаси.

## БОЛАЖОН, НЕЖАСЕНИ УРАМАН?

Ҳа, қаршимдаги мунчоқ қора кўз. Тан олмасам, бўлмайди. Бу дунёда мен фақат бир одамни урганман. Баъзида эмас, балки тез-тез урганимдан кейин дарҳол эрдан чиқараман, лекин қилмишим бир умр юрагимда қолиб кетади. У ҳам бўлса — сен.

Жуда кичкиналингидан сенга ҳеч қўл кўтармаганман. Сен шунчалар кичик, шунчалар ожиз эдингки, нимжонлигинг доим мени хавотирга соларди.

Ўшанда мен, дунёдаги барча оналар мисоли, ўз-ўзимга: «Бор кучимни ишга солиб, боламни охириг нафасимгача асрайман», деганман.

Бора-бора катта бўлдинг, ўзингизга яраша шўхликларинг бошланди. Нарсаларни атайлаб отардинг, ўйинчоқларинг синдираддинг, кийимларинг ифлос қилардинг, йиртардинг, лекин ҳеч бирида сени уришга қўлим бормасди. Буларнинг барчасини соғлом, бир шўх боланинг йўлда юриб кетаётиб йиқилиб тушганидек кечирмоқ керак эди.

илож, сўнгги «чора»ни қўллашга мажбур бўлдим — урмоқ!


Агар сен бориб оловга тегинсанг, бармоқларинг куйди. Бу оғриқ эса, сени бир умр оловга яқинлаштирмайди. Болажон, мен ўша ёмон тарафларингдан худди шу олов каби узоқлашишингни хоҳлардим!

Мен бу йўлни гўё энг сўнгги чақасини ишлатаётган камбағал каби жуда-жуда эҳтиёткорлик билан танладим. Ҳар гал сени ураётганимда бутун қалбим титрарди. Ҳар гал мен қайта-қайта ўзимдан сўрайман: «Наҳотки, бу — урмасам бўлмайдиган вазият? Наҳотки, бундан бошқа чора йўқ?». Бундай саволларга жавоб топа олмаганимдан кейин, ноилож қўлимни кўтарардим.

Ҳар бора сени урганимдан сўнг ўзим азоб тартаман. Агар жазони ўзимга бериб, сен сабоқ олсанг, болажон, мен розиман, ўн карра бўлса-да, ўз-ўзимни жазолашга. Аммо, биламан, жазони ўзимга олишинг ҳеч иложи йўқ. Бу худди оч қолган қориннинг тамадди қили-

# ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ БЎЛ, ЁШЛИК

«Бола бошидан» деганларидек, Ирода болалик чоғлариданоқ ўзининг чаққон ҳаракатлари билан атрофдагиларнинг назарига тушди. Отанаси, маҳалладошлари ярим ҳазил, ярим чин оҳангда бу қизчадан келажакда ажойиб спортчи чиқади, деб башорат қилишарди. Чиндан ҳам башоратлар аста-секин рўёбга чиқа бошлади. Жиззах шаҳридаги Окқўрғон маҳалласида таваллуд топган Ирода Абдурахмонова 8-мактабда ўқиётганда турли спорт мусобақаларида фаол иштирок этарди. Унинг спортга ҳавас ва ихлосини оширишда марҳум дадаси Хайрулла Абдурахмоновнинг хизматлари бекиёс. «Соғлом бўламан, десанг, спорт билан шуғуллан, мунтазам бадантарбия қил», деган гапни у киши кўп такрорларди.



натиди ўзбек қизи ўз шижоатини атрофдагиларга кўз-кўз этди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Ирода Абдурахмонова айни кунда мураббийи, спорт устаси Акрам Абдулаҳодов раҳбарлигида мунтазам машғулотлар олиб бормоқда.

Оддий қизнинг спортдаги бу ютуқлари тасодиф эмаслигини у ўз ҳаётида исботламоқда. Ҳар қандай шахсда истак ва хоҳиш ва албатта, шароит ҳамда эътибор бўлса, мақсадга эришишнинг имкони топилди.

Дзю-до бўйича халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш Ироданинг ёшликдаги орзуси эди. Мана, бугун у ўзининг мустаҳкам иродаси билан нафақат жаззхлик-

лар, балки юртимиз спорт ихлосмандларининг ишончини қозонди. Унинг спортдаги эришган ютуқларига ҳар қанча ҳавас қилса арзигулик. 2010 йили Ирода спортда эришган ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлиши эса юртимизда у каби истеъдодли ёшларга эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Жорий йил ҳам Ирода учун омадли бошланди. У яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган дзюдо бўйича халқаро турнирда 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Бундай ютуқлар унинг ҳисобидаги совринли кўрсаткичларни тобора кўпайтиряпти.

Ёшлик инсон умрининг баҳорига қийёсланди. Баҳор ҳар йили қайтиб келаверади. Инсон қалбидаги орзу ва истаклар куртак мисоли гуллаши муқаррар. Ирода Абдурахмонова ҳам улкан мақсадлар билан ўқиб, илм олаётган иқтидорли ёшларимиздан бири. Эндигина 21 баҳорни қаршилаётган спортчи қизнинг ният ва истаклари катта.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**  
«Ma'rifat» мухбири

Ирода ўқувчилик йиллариёқ спортнинг дзюдо турини мукаммал ўрганишга интилди. Унинг бу борадаги ҳаракатлари бесамар кетмади. Дастлаб шаҳар миқёсида, кейинчалик вилоят миқёсидаги беллашувларда голибликни кўлга киритди. Дзю-до бўйича республика мусобақаларининг бир неча бор голиби бўлди. 2005—2008 йилларда Тошкент олимпия захиралари коллежида таҳсил олди. Бу давр унинг спортдаги имконияти ва истеъдоди, нималарга қодир эканини намойиш этишига имкон яратди. У тажрибали мураббийлар кўмагида мамлакат ва халқаро миқёсдаги турли беллашувларда муваффақиятли иштироки би-

лан кўпчиликни ҳайрон қолдирди.

Ирода Абдурахмонова 2008 йили Жиззах давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия ва маданияти факультетига ўқишга кирди. Олий ўқув даргоҳида унинг дзю-до сирларини янада мукаммал эгаллаши, нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиши учун янги имкониятлар эшиги очилди. У шу кунгача 9 марта «Ўзбекистон чемпиони» деган шарафли номга сазовор бўлди. 3 марта Осиё биринчилиги мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. Жумладан, Миср ва Таиландда бўлиб ўтган Осиё биринчилигида ҳамда жаҳон чемпио-



## РЕКОРД — 34 САНТИМЕТРГА ЯХШИЛАНДИ

«Рейтер» ахборот агентлиги берган хабарга кўра, польшалик диск улоқтирувчи аёл Анита Влодарчик Польшага тегишли Бидгош шаҳрида бўлиб ўтган турнирда жаҳон рекордини ўрнатишга муваффақ бўлди.

Польшалик спортчи снаряд улоқтириш ботида ҳали бирор хотин-қиз спортчи амалга оширолмаган кўрсаткични томошабинлар-



га ҳавола этиб, барчани лол қолдирди. Анита дискни 78,3 метр масофага отиб, Халқаро энгил атлетика федерациясининг (IAAF) махсус китобига муҳрланди.

Влодарчик ўтган йили Берлин шаҳрида кечган «Enea Cup/ European Athletic Festival» турнирида дискни 77,96 метрга етказганди. Ўз устида тинимсиз изланган, маҳоратини ошириб борган спортчи аёл орадан бир йил ўтиб, яна 34 сантиметр «олдинга» илдамлади.

## ҚАТОРАСИГА ЕТТИНЧИ БОР

Яқинда баскетбол бўйича ўтказилган Европа лигасининг ярим финалида Испаниянинг «Барселона» клубига имкониятни бой берган дунёнинг кучли жамоаларидан бири ЦСКА қаторасига еттинчи марта Россия чемпиони бўлди.

Баскетбол бўйича ўтказилувчи турнирлар футбол чемпионатларидан айрим жиҳатлари билан фарқланади. Масалан, «миллионлар ўйини»да жамоалар бир мавсум мобайнида икки бора учрашса, баскетбол клублари уч маротаба рўбарў келишади. Москва «армиячилар»и ҳал қилувчи учрашувни жиддий рақиб — «Химик» жамоасига қарши ўтказди ва 76:60 ҳисобида яққол устунликка эришди. Шу тариқа Евгений Пашутин жамоаси Сержио Скариоло шогирдларига учта ўйинда ҳам имконият беришмади: умумий ҳисоб 3:0. Мазкур матчинг энг фойдали ўйинчиси сифатида ЦСКАнинг литвалик ҳужумчиси Рамуас Шишкаускас қайд этилди, у жамоасига 29 очко ҳада қилди. ЦСКА умумий ҳисобда мамлакатнинг 17 марта тенгсиз клуби деган номга мушарраф бўлди.

## ЧИМЛИ КОРТДАГИ ИЛК МАҒЛУБИЯТ

Теннис оламида ҳам кейинги вақтларда кутилмаган натижалару сенсацион янгиликлар кўлаб кузатилляпти. Бу ушбу спорт турининг тез суръатда оммалашиб бораётганини билдиради.

Уимблдон турнирларида олти карра чемпионлик бахтига эришган дунёнинг биринчи рақамли ракеткачиси швейцариялик Роже



Федерер Германиянинг Гаал шаҳрида чимли кортларда кечган халқаро турнирда муваффақиятсизликка учради. Бу Федерернинг чимли кортдаги жорий мавсум ҳисобидан


дастлабки мағлубияти экан. Турнирнинг жуфтлик баҳсларида швейцариялик теннисчилар Федерер ва Ив Аллегро олмониялик рақиблари Кристофер Кас ва Филипп Кольшрайберга 4:6, 6:7 (6:8) ҳисобида ютқазди. Эслатиб ўтамиз, Галлда ўтказилаётган турнирнинг ютуқ жамғармаси 750 минг еврони ташкил этади.

## ЖЕРРАРД «РЕАЛ»ГА ЎТАДИ(МИ?)

Испан нашрларидан бири «Марка» тарқатган маълумотга кўра, англиялик таниқли футболчи, «Ливерпуль» жамоаси сардори Стивен Жеррард билан «Реал Мадрид» клуби мутасаддилари трансфер борасида суҳбатлашган.

Стивен Жеррард жаҳон чемпионати тугаши билан «қироллик клуби»га ўтиши ва жамоанинг янги мураббийи Жозе Моуриньо кўл остида фаолиятини давом эттириши мумкин. Бойси, мазкур таклифни Моуриньонинг ўзи билдирган. Ушбу маълумотнинг ҳақиқатга нечоғлик яқинлигини Рафаэль Бенитеснинг «Ливерпуль»ни тарқ этганидан ҳам билиб оلسа бўлади.

Англия миллий терма жамоаси сардорининг трансфер нархи ҳозирча 30 миллион еврони ташкил этапти. Яна бир ойдан кейин тажрибали ва истеъдодли ярим ҳимоячи Стивен Жеррард собиқ «Ливерпуль» вакиллари — Хаби Алонсо ва Альваро Арбелоа билан яна бир клуб вақилига айланиши мумкин.



# АСЛ ОТНИНГ ТУЁҚЛАРИ ТЎЗИМАЙДИ

Ўзбек миллий курашини ривожлантириш билан бирга, ёшларнинг спортга кенг жалб қилиш ишларига улкан ҳисса қўшаётган мураббий Фатхулла Аҳмедов алоҳида эҳтиромга муносибдир.

У отаси Зиёдулла полвонни хотирласа, кўз ўнгиде сайилу тўйларнинг олд полвони, самимий ва дилкаш инсон гавдаланади. Айнан отасининг дўстлари ва шогирдлари: Файбулла полвон, Барно полвон, Чори полвон кўмаги билан 1994 йили Фатхулла полвон мураббийлигидаги илк ўқув машғулотлари ташкил этилди. Машғулот майдони болаларнинг турар жойидан қанчалик олис бўлмасин, кундан-кунга аъзолар сони ошиб борди.

Илк шогирдлари Шерзод Қурбонов, Шавкат Рўзиев, Отабек Қурбоновнинг туман ва вилоят биринчиликларида эришган ютуқлари каттаю кичикни қувонтирди. Кейинчалик 2004 йили маҳалланинг туман ҳокимлигига йўллаган мурожаатидан сўнг улар учун (ўз худудларидан) бино ажратилди. Фатхулла полвоннинг шогирдлари фақатгина кураш сирларидан воқиф бўлибгина қолмай, устозларидаги яхши фазилатларни ўзларига сингдириб олгани ҳар бир сўзида, ҳаракатида намойён бўлади. Чинакам шижоат ва меҳ-

нат ўз самарасини кўрсатди. 2003 йили Тошкент шаҳрида самбо бўйича республика биринчилигида шогирди Жўрабек Ҳожиёв 2-ўринни эгаллади. 2006 йили Фарғона шаҳрида миллий кураш бўйича Нурилло Аҳмедов ҳам 2-ўринни, 2005 йили Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида ўтган кураш мусобақаларида фахрли 2-ўринни кўлга киритди. Ҳозир у Бухоро олимпия захиралари коллежида таҳсил оляпти. Нурбек Тўраев ва Тошпўлат Файбуллаев республика биринчиликларида совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ўтган йили бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақасида тумандаги 45-мактабда ўқиётган Дилшод Сатторов, Меҳриддин Баҳронов, Шаҳриёр Ҳамидов, Олим Узоқов ва Ўқтам Эсанов белбоғли кураш ҳамда курашда 1, 2-ўринларни эгаллади.

Бу мураббий меҳр-муруват билан чин дилдан ота касбини давом эттиряпти. Ҳар гал натижа эълон қилинса, шогирдлари ёки рақибининг фойдасига ҳал бўлмасин, «ҳалол» деган сўз кўнглига хотиржамлик бахш этади. Шу сабаб ҳам номи ҳалол, ризқи кенг, юзи ёруғ ва қўли баланд эканига шубҳа йўқ.

Халқимизда «Асл тулпорнинг туёқлари тўзимайди», деган ҳикмат бор. Фатхулла полвонни ана шу асликни кўксига асраб, авлодларга узатиб тurgan олтин ҳалқанинг бандларига қийёсласим келлади.

**Лола НИЁЗОВА,**  
Жондор туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси

# УСТОЗЛАР ТАЪЛИМ «ЧИГАЛЁЗДИСИ»ДА

Навойи вилояти Хатирчи туманидаги 72-умумий ўрта таълим мактабида устоз Тоштемир Тошмуродов хотирасига бағишланган спорт турнири ташкил-лаштирилди. Унда худуддаги 72, 66, 12, 13-умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари ўртасида кўп түпи ва мини фут-

бол бўйича баҳслар ўтказилди.

Қизгин ва муросасиз курашларга бой бўлган беллашувларда мезбонларнинг қўли баланд келди.

Тадбир сўнгиде голиб жамоалар ҳамда ўқувчилар рағбатлантирилди. Халқ таълими вазирлиги томонидан махсус дипломлар, медаллар,

Навойи вилоят ҳокимлигининг спорт ва маданият ишлари бўлими томонидан махсус дипломлар, шунингдек, «Зарбдор», «Сарой» МФЙ ҳамда мактаб жамоасининг эсдалик совғалари топширилди. Айниқса, Тоштемир Тошмуродов фарзандлари томонидан «Голиб жамоа», «Энг яхши ўйин-

чи», «Энг яхши ҳакам» каби номинациялар бўйича голибларга топширилган пул мукофотлари ва эсдалик совғалари муносиб тўхфа бўлди. «Турнирнинг энг яхши ўйинчиси» деб 72-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шуҳрат Саматов, «Энг яхши ҳакам» деб 13-умумий ўрта таълим мактаби жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Исмоил Кенжаев топилди.


**Келдиёр ХУДОЁРОВ,**  
Хатирчи туманидаги 72-мактаб директори



# ЭРМАТОВ «СОККЕР СИТИ»ДА ИЛК ЎЙИНИ БОШҚАРАДИ!



Яна икки кундан сўнг «миллионлар ўйини» — футбол бўйича жорий йилдаги бош мусобақа старт олади. 19-жаҳон чемпионати сифатида тарих саҳифаларига муҳрланаётган мундиалда Жанубий Африка Республикасидаги тўққизта шаҳарда қад ростлаган 10та стадионда сараланган 32 миллий терма жамоанинг ўзаро учрашувлари ихлосмандлар эътиборига ҳавола қилинади. Қисқаси, ҳақиқий футбол шинавандалари учун бир ой «бедорлик мавсуми» бошланяпти. Энг муҳими, жаҳон чемпионатининг биринчи учрашуви — ЖАР ва Мексика терма жамоалари баҳсини ўзбек ҳаками Равшан Эрматов бошқариб боради! Биз юртдошимизга омад тилаймиз.



## «А» гуруҳи

1. ЖАР 2. Мексика 3. Уругвай 4. Франция

11 июн. ЖАР — МЕКСИКА  
Соккер Сити, Йоханнесбург, 19:00

УРУГВАЙ — ФРАНЦИЯ  
Грин-Пойнт, Кейптаун, 23:30

16 июн. ЖАР — УРУГВАЙ  
Лофтус Версфельд, Претория, 23:30

17 июн. ФРАНЦИЯ — МЕКСИКА  
Питер Мокаба, Полокване, 23:30

22 июн. МЕКСИКА — УРУГВАЙ  
Роял Бафокенг, Ростенбург, 19:00

ФРАНЦИЯ — ЖАР  
Фри Стейт, Блумфонтейн, 19:00

## «Г» гуруҳи

1. Нидерландия 2. Дания 3. Япония 4. Камерун

14 июн. НИДЕРЛАНДИЯ — ДАНИЯ  
Соккер Сити, Йоханнесбург, 16:30

ЯПОНИЯ — КАМЕРУН  
Фри Стейт, Блумфонтейн, 19:00

19 июн. НИДЕРЛАНДИЯ — ЯПОНИЯ  
Мозес Мабида, Дурбан, 16:30

КАМЕРУН — ДАНИЯ  
Лофтус Версфельд, Претория, 23:30

24 июн. ДАНИЯ — ЯПОНИЯ  
Роял Бафокенг, Ростенбург, 23:30

КАМЕРУН — НИДЕРЛАНДИЯ  
Кейптаун, Кейптаун, 23:30

## «В» гуруҳи

1. Аргентина 2. Нигерия 3. Жанубий Корея 4. Греция

12 июн. АРГЕНТИНА — НИГЕРИЯ  
Кока-Кола Парк, Йоханнесбург, 19:00

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — ГРЕЦИЯ  
Нельсон-Мандела-Бей, Порт-Элизабет, 16:30

17 июн. АРГЕНТИНА — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ  
Соккер Сити, Йоханнесбург, 16:30

ГРЕЦИЯ — НИГЕРИЯ  
Фри Стейт, Блумфонтейн, 19:00

22 июн. ГРЕЦИЯ — АРГЕНТИНА  
Питер Мокаба, Полокване, 23:30

НИГЕРИЯ — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ  
Мозес Мабида, Дурбан, 23:30

## «Д» гуруҳи

1. Италия 2. Парагвай 3. Япония 4. Словакия

14 июн. ИТАЛИЯ — ПАРАГВАЙ  
Грин-Пойнт, Кейптаун, 23:30

15 июн. ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ — СЛОВАКИЯ  
Роял Бафокенг, Ростенбург, 16:30

20 июн. ИТАЛИЯ — ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ  
Мбомбела, Нелспрейт, 19:00

СЛОВАКИЯ — ПАРАГВАЙ  
Фри Стейт, Блумфонтейн, 16:30

24 июн. ПАРАГВАЙ — ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ  
Питер Мокаба, Полокване, 19:00

СЛОВАКИЯ — ИТАЛИЯ  
Кока-Кола Парк, Йоханнесбург, 19:00

## «С» гуруҳи

1. Англия 2. АҚШ 3. Жапония 4. Словения

12 июн. АНГИЛИЯ — АҚШ  
Роял Бафокенг, Ростенбург, 23:30

13 июн. ЖАЗОИР — СЛОВЕНИЯ  
Питер Мокаба, Полокване, 16:30

18 июн. АНГИЛИЯ — ЖАЗОИР  
Грин-Пойнт, Кейптаун, 23:30

СЛОВЕНИЯ — АҚШ  
Кока-Кола Парк, Йоханнесбург, 19:00

23 июн. АҚШ — ЖАЗОИР  
Лофтус Версфельд, Претория, 19:00

СЛОВЕНИЯ — АНГИЛИЯ  
Нельсон-Мандела-Бей, Порт-Элизабет, 19:00

## «Е» гуруҳи

1. Бразилия 2. КХДР 3. Кот-д'Ивуар 4. Португалия

15 июн. БРАЗИЛИЯ — КХДР  
Кока-Кола Парк, Йоханнесбург, 23:30

КОТ-ДИВУАР — ПОРТУГАЛИЯ  
Нельсон-Мандела-Бей, Порт-Элизабет, 19:00

20 июн. БРАЗИЛИЯ — КОТ-ДИВУАР  
Соккер Сити, Йоханнесбург, 23:30

21 июн. ПОРТУГАЛИЯ — КХДР  
Грин-Пойнт, Кейптаун, 16:30

25 июн. КХДР — КОТ-ДИВУАР  
Мбомбела, Нелспрейт, 19:00

ПОРТУГАЛИЯ — БРАЗИЛИЯ  
Мозес Мабида, Дурбан, 19:00

## «F» гуруҳи

1. Германия 2. Австралия 3. Сербия 4. Гана

13 июн. ГЕРМАНИЯ — АВСТРАЛИЯ  
Мозес Мабида, Дурбан, 23:30

СЕРБИЯ — ГАНА  
Лофтус Версфельд, Претория, 19:00

18 июн. ГЕРМАНИЯ — СЕРБИЯ  
НЕЛЬСОН-МАНДЕЛА-БЕЙ, ПОРТ-ЭЛИЗАБЕТ, 16:30

19 июн. ГАНА — АВСТРАЛИЯ  
Роял Бафокенг, Ростенбург, 19:00

23 июн. АВСТРАЛИЯ — СЕРБИЯ  
Мбомбела, Нелспрейт, 23:30

ГАНА — ГЕРМАНИЯ  
Соккер Сити, Йоханнесбург, 23:30

## «Г» гуруҳи

1. Испания 2. Швейцария 3. Гондурас 4. Чили

16 июн. ИСПАНИЯ — ШВЕЙЦАРИЯ  
Мозес Мабида, Дурбан, 19:00

ГОНДУРАС — ЧИЛИ  
Мбомбела, Нелспрейт, 16:30

21 июн. ИСПАНИЯ — ГОНДУРАС  
Нельсон-Мандела-Бей, Порт-Элизабет, 23:30

ЧИЛИ — ШВЕЙЦАРИЯ  
Кока-Кола Парк, Йоханнесбург, 19:00

25 июн. ШВЕЙЦАРИЯ — ГОНДУРАС  
Фри Стейт, Блумфонтейн, 23:30

ЧИЛИ — ИСПАНИЯ  
Лофтус Версфельд, Претория, 23:30

|  |  |  |  |
|--|--|--|--|
| <p>1/8 финал</p> <p>26 июн. № 49. А-1 — В-2<br/>Нельсон-Мандела-Бей, Порт-Элизабет, 19:00</p> <p>№ 50. С-1 — D-2<br/>Роял Бафокенг, Ростенбург, 23:30</p> <p>27 июн. № 51. D-1 — C-2<br/>Фри Стейт, Блумфонтейн, 19:00</p> <p>№ 52. В-1 — А-2<br/>Соккер Сити, Йоханнесбург, 23:30</p> | <p>1/4 финал</p> <p>28 июн. № 53. E-1 — F-2<br/>Мозес Мабида, Дурбан, 19:00</p> <p>№ 54. G-1 — H-2<br/>Кока-Кола Парк, Йоханнесбург, 23:30</p> <p>29 июн. № 55. F-1 — E-2<br/>Лофтус Версфельд, Претория, 19:00</p> <p>№ 56. H-1 — G-2<br/>Грин-Пойнт, Кейптаун, 23:30</p> | <p>1/2 финал</p> <p>2 июн. 53F* — 54F<br/>Нельсон-Мандела-Бей, Порт-Элизабет, 19:00</p> <p>49F — 50F<br/>Соккер Сити, Йоханнесбург, 23:30</p> <p>3 июн. 52F — 51F<br/>Грин-Пойнт, Кейптаун, 19:00</p> <p>55F — 56F<br/>Кока-Кола Парк, Йоханнесбург, 23:30</p> | <p>3-ўрин учун ўйин, 10 июн. 61M* — 62M<br/>Нельсон-Мандела-Бей, Порт-Элизабет, 23:30</p> <p>6 июн. 58F — 57F<br/>Грин-Пойнт, Кейптаун, 23:30</p> <p>7 июн. 59F — 60F<br/>Мозес Мабида, Дурбан, 23:30</p> <p>* F — тоғлиб<br/>* M — мағлуб</p> <p>Финал 11 июн. 61F — 62F<br/>Соккер Сити, Йоханнесбург, 23:30</p> |
|--|--|--|--|

|   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|
| <p><b>Ma'rifat</b></p> <p><b>TA'SIS ETUVCHILAR:</b></p> <p>O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p> | <p><b>Bosh muharrir:</b><br/>Abdusamat RAHIMOV</p> <p>Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STUMHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV</p> | <p><b>Gazeta</b><br/>O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>INDEKS: 149, 150. G-522.<br/>Tiraj 40189.<br/>Hajmi 4 bosma taboq.<br/>Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p> <p>Navbatchi muharrir: Zilola RUSTAMOVA.<br/>Navbatchi: Behzod FAZLIDDINOV.</p> | <p>«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. Belgisi ostida reklama materiallari beriladi.</p> <p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p>E-mail: info@marifat.uz<br/>Web-site: www.marifat.uz</p> <p>TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p> | <p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p>Dizaynerlar Gulnora SAFAROVA, Malohat TOSHOVA.</p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi boshmaxonasi.</p> <p>Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00.<br/>Topshirildi — 23.30<br/>UzA yakuni — 21.00</p> |
|---|---|---|---|---|